



# ИСЛОМ КАРИМОВ

---

ЖАҲОН ИНҚИРОЗИННИГ  
ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИШ,  
МАМЛАКАТИМИЗНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ  
ВА ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН  
ДАВЛАТЛАР ДАРАЖАСИГА  
КЎТАРИЛИШ САРИ

18

---

ТОШКЕНТ  
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
2010



ББК 65.9(5Ў)

К 23

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Ка-  
римов асарларининг 18-жилдидан давлатимиз раҳба-  
рининг 2009–2010 йилларда Вазирлар Маҳкамаси  
йиғилишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-  
лиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маж-  
лисида, турли халқаро анжуманлар, маросимларда  
сўзлаган нутқлари ва маъruzалари ҳамда табриклари  
ўрин олган.

ISBN 978-9943-01-577-7

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2010

---

## **«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ**

Қадрли фестиваль қатнашчилари!

Мұхтарам мәхмөнлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мана шу қадимий ва бетакрор Самарқанд заминига узок-яқын ўлкалардан ташриф буюрган сиз, азиз мәхмөнларимиз билан, дунёда ном қозонган «Шарқ тароналари» фестивалиниң иштирокчилари, барча дўсту биродарларимиз ва мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳли билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Шу гўзал ва шукуҳли оқшомда мұхташам Регистон майдонида сизлар билан бирга нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгashi вакиллари, хорижий давлатларниң элчилари ҳам ҳозир бўлганини биз, аввало, ўзбек халқига, бугунги ажойиб анжуманга ҳурмат белгиси сифатида қабул қиласиз ва бунинг учун барчангизга миннатдорлик билдирамиз.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўз зиммамга олган шарафли бурчимни бажариб, дунёниңг

---

турли қитъа ва минтақаларидан келган сиз, азиз меҳмонларни бутун халқимиз номидан самимий кутлаб, «Хуш келибсиз азим Самарқанд шахрига, хуш келибсиз Ўзбекистонга!» деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Барчамизга маълумки, дунёда жуда кўп ва турли-туман санъат ва мусиқа фестиваллари ўтка-зилади. Албатта, уларни ҳар бирининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ўзига хослиги, қадр-қиммати, ўз мавзу ва ғоялари, обрў-эътибори бор.

Шулар қаторида биз бундан 12 йил олдин таш-кил қилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг айнан шарқона маъно-мазмуни, бетакрор руҳи ва қиёфаси борлигини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Аввало, бу фестиваль Шарқ оламини ва фал-сафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига маф-тун этиши муқаррар.

Шу билан бирга, бу фестиваль биз яшаётган бу-гунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қал-бida эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак

---

томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Чунки тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, ер юзидағи юзлаб миллат ва ҳалқларни бирлаштирадиган энг қудратли, энг таъсирчан бир восита борки, бу – мусиқа, бу – оҳанг, бу – тарона.

Мен бир нарсага аминман – бизнинг ҳаётимизга, аввало, фарзандларимиз, болаларимизнинг онги ва қалбига ҳеч қандай чегарани, ҳеч қандай ғовтўсиқни билмайдиган мусиқа садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар қанчалик чукур кириб борса, бу, ўз навбатида, ҳалқларни бир-бирига яқин қилишга, ҳамкорлик ва дўстликка даъват этади ва том маънода енгилмас кучга айланиб қолади.

Бутун дунёда обрў-эътибори тобора ортиб бораётган бу фестивалнинг жаҳондаги энг кўхна шаҳарлардан бири бўлмиш, ҳар қадамда Шарқ нафаси уфуриб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши бу анжуманга бекиёс жозиба ва маъно-мазмун бағишлайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимиј ва ҳамиша навқирон қиёфасини, бетакрор меъморий ёдгорликларни намоён этадиган бу шаҳар ва бу ерда яшаётган, кўп асрлар давомида турли миллат ва элатларнинг энг олижаноб фазилат ва хусусиятларини, тили ва табиатини ўзида мужассам этган,

---

мехмондўст ва меҳрибон халқ бу фестивалнинг узвий, ажойиб бир қисмига айланиб, унга янгича файзу тароват бахш этади, десам, барча-барча шу майдонда ўтирганлар бу фикрга қўшилади.

Шу буюк шаҳарда туғилиб, униб-ўсган инсон сифатида мен Самарқанд халқига қаратиб, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида такрор ва такрор гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан.

**Азиз дўстларим, биродарларим!**

Бугун очилаётган еттинчи фестиваль ҳақида сўз юритар эканмиз, бу фестиваль ўз қатнашчиларининг сони ва иштирокчи давлатлар жуғрофияси билан, турли халқларнинг бебаҳо маънавий бойлигини кенг тараннум этиши, унга янги-янги истеъдолдлар ва дунёга машҳур санъаткорларнинг ташриф буюргани, мусиқий оламининг ранг-баранглиги билан «Шарқ тароналари» мусиқа анжуманлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Буни биргина мисол, яъни фестивалимизнинг дастлабки анжуманида 31 та мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, бу йилги мусиқа байрамида 47 та давлатдан келган 260 дан зиёд моҳир созанда ва хонандалар қатнашаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Биз мамлакатимизда «Шарқ тароналари» фестивалини юксак савияда ўтказищ, унинг донғини

---

дунёга таратиш учун ҳар томонлама пухта тайёр-гарлик кўрамиз.

Санъатни, мусиқани бутун қалби билан сева-диган, ижод ахлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи «Шарқ тароналари» фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, бар-ча иштирокчиларнинг санъатига юксак хурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз хурсандчилиги ва миннатдорлиги-ни билдиради.

Ишонаман, бугун ўз ишини бошлиётган навбатдаги фестиваль «Шарқ тароналари» мусиқа анжу-манининг жаҳон санъат оламида қозонган обрўсига обрў кўшиб, унинг бетакрорлиги ва гўзаллигини янада оширади, бу нуфузли маданий форум ўзида мужассам этган юксак инсоний, гуманистик ғоя ва мақсадларни, унинг ўзига хос анъаналарини давом эттиришда ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, анжуман ишига эса муваффакият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*2009 йил 26 август*

---

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

**Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!**

**Муҳтарам меҳмонлар!**

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана –  
Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами  
билин чин қалбимдан самимий табриклаб, сизлар-  
га, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юк-  
сак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни бил-  
диришдан баҳтиёрман.

**Азиз дўстлар!**

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркин-  
ликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган  
дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва  
бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва  
қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон  
осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англа-  
дик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар  
бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни  
эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-  
умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қан-

---

ча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар хеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суюниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос таракқиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унutilmas йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва мэрраларга эришаётганимиз барчамизга ғурур ва мамнуният етказади, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иктисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлик жавоб беряётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охирги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги мэрраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод

---

бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмокда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютукларимизга мустаҳкам замин түгдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустакилликка эришиш, истиқлонимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги мashaққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм суроётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтакамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш накадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан кайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча ин-

---

сонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайриҳоҳ бўлиб, бизни қўллаб-куватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва ҳалқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга баҳт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамиизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва ҳалқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиқсан олқишлиаримиз билан ўз хурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўътабар кексаларимизга ўз номимдан, ҳалқимизномидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган му-

---

нис аёлларимиз, опа-сингилларимизни самимий қутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонлариға файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижаотини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим берәётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажагимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билан яна бир бор табриклийман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2009 йил 31 август

---

## **ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда пойтахтимиз аҳли, бутун халқимизни Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик кутлуғ тўйи, улуғ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, халқимизда азал-азалдан тўйга тўёна билан келишдек ажойиб бир одат бор.

Шу маънода, азим Тошкентимизнинг айнан бугунги тўйига атаб барпо этилган, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи деб ном олган мана шундай муҳташам ва бетакрор кошонада пойтахтимизнинг буюк санасини ўtkазар эканмиз, барчамизнинг байрамона кайфиятимизга қувонч ва шукроналик туйғулари қўшилиб кетаётгани табиий бир ҳол, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода қилган бўламан.

---

Қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО қарори асосида ушбу юбилейни юртимизда кенг нишонлаш тўғрисида маҳсус қарор ва дастур қабул килганимиздан сизлар, албатта, хабардорсиз.

Ўтган давр мобайнида бу санани Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётидаги бекиёс ўрни ва мавқеига мос равища, юксак савияда нишонлаш, пойтахтимизни янада обод қилиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бундай улкан, ҳақиқатан ҳам тарихий ишларни амалга оширишда Тошкентда бирон-бир туман, мавземахалла, меҳнат жамоаси ёки бирорта одам йўқки, бевосита ўз ҳиссасини қўшмаган, ҳеч бўлмаганда, ўзининг фикри, маслаҳати билан иштирок этмаган бўлса.

Бир сўз билан айтганда, мана шу давр мобайнида бу гўзал масканда, она диёrimизда яшаётган, кексаю ёш барча-барча инсонлар учун Тошкентимиз нақадар севимли ва қадрли экани яна бир бор амалда намоён бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, азим Тошкент шаҳрининг муборак тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган сиз ализларга, сизлар орқали бутун пойтахт аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур

---

миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам, миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг ғояси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ҳар қайси ғиши, ички ва ташқи безаклари – буларнинг барчаси ўз кучимиз, ўзимизнинг мохир уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғуур ва ифтихор бағишлади.

Айни мана шундай ҳашаматли ва бетакрор бинони Тошкентнинг қоқ марказида барпо этишга эришганимизни бугунги кунда мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари, жумладан, қурилиш ва бунёдкорлик, замонавий шаҳарсозлик соҳасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи сифатида қабул қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

**Мұхтарам дўстлар!**

Шу залда ўтирган сиз, азизларнинг, барчамизнинг номимиздан бир эзгу тилакни билдириб, айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, миллий бинокорлик санъати ва маҳоратининг беназир намойиши бўлмиш мана шу салобатли сарой азим ва гўзал Тошкентимиз каби дунё тургунча турсин, бугунги тантана сингари юртимизнинг энг қувончли ва шодиёна кунларига, илоҳим, хизмат қилсин.

---

**Хурматли мажлис иштирокчилари!**

Бугун биз Тошкент шаҳрининг мана шу буюк санасини нишонлар эканмиз, бу айём Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан узвий боғланиб кетганини чукур англаймиз.

Айтиш керакки, бу ҳолнинг ўзига хос муҳим сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти, маъноси бор, албатта. Нега деганда, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу кунларда диёrimизнинг узок-яқин барча қишлоқ ва шаҳарларида ҳалқимиз энг улуғ ва энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик кунини катта хурсандчилик билан байрам қилаётган экан, юртимизда яшаётган, ўз тақдирини Ўзбекистоннинг тақдери ва келажаги билан чамбарчас боғлаган ҳар қайси одам ўз фикри ва зикри билан бир ҳақиқатга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиласди. Яъни, у ўзининг ҳаёти, оиласи, ёру биродарлари мисолида Ўзбекистонимиз шу ўтган қисқа даврда босиб ўтган йўлни, амалга оширилаётган мислсиз ўзгариш ва янгиланишларни, мамлакатимизнинг куч-қудрати ортиб, унинг қиёфаси янада чирой очаётгани, ҳалқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганини беихтиёр ўзига тасаввур қилиши табиийдир.

---

Ҳақиқатан ҳам, шу байрам кунларида мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ер ости, ер усти бойликларимизга эгалик қилиш, меҳнаткаш халқимизнинг ва бугун кучга тўлиб, ҳаётга кириб бораётган ёшларимизнинг бекиёс салоҳияти ва орзу-интилишларини рӯёбга чикариш, шу муқаддас заминда демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бир сўз билан айтганда, эртанги ёруғ кунимизни қуриш учун қандай улкан имкониятларни очиб берганини яна бир карра шукроналиқ билан кўз ўнгимиздан ўтказишимиз – буям табиий ҳол десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу маънода, биз кўзлаган юксак мэрраларга эришиш йўлида ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижалар ҳакида гапирганда, факатгина охирги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини намоён этадиган баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Биргина мисолнинг ўзи, яъни кейинги, 2004–2008 йиллар давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг доллар ҳисобида 2,6 баробар ўсгани, ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса аҳоли жон бошига 2 баробардан зиёд ошгани, ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимиздаги туб ўзгаришлар ўзининг амалий самарасини бераётганини яққол исботлаб турибди.

---

Эътиборлиси шундаки, иқтисодий ўсиш суръатларини изчил таъминлаш ва нарх-навонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоратадбирлар, ўз навбатида, худди шу даврда аҳоли реал даромадларини 4 баробар ошириш имконини берди.

Сизларга яхши маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида дунёning жуда кўп мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилмоқда. Минглаб корхоналар, банклар ва компаниялар банкротликка учраб, ишсиз қолганлар сони кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бормоқда.

Албатта, ана шу инқироз таъсирида жуда катта заар ва талафот кўраётган давлатларнинг иқтисодиётини кузатар эканмиз, табиий бир савол туғилиши мумкин – бу инқирознинг Ўзбекистон учун таъсирини юмшатишга, аввало, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва энг муҳими, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси пасайишининг олдини олишга биз ниманинг ҳисобидан ва қандай қилиб эришмоқдамиз?

Шуни айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз вакиллари, авваламбор, оддий инсонлар бу масаланинг мағзига етиб бориб, ўзининг кундалик ҳаёти ва тажрибаси асосида бу саволга жавоб топмоқда. Юртимизнинг турли ҳудуд ва

---

минтақаларидан бўлиб, одамлар билан учрашганда, муроқот қилганда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини, аввало, ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзламасдан, аксинча, узокни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофлича ва чукур ўйлаган холда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъиятлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур.

Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили – Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч кимдан нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, «ўзбек модели» деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаётганимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада биз эски маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан янги – бозор тизимига ўтиш, ислохотларни ҳаётга татбик этиш жараёнида «Ислохот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» ва шу билан бирга, «Янги уй

---

курмай туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий та-  
мойилларга асосланган ҳолда иш олиб бордик.

Четдан туриб бизга турли хил таги пуч тавсия-  
ларни ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш-  
лардан воз кечиб, ўз ақл-заковатимизни ишлатиб,  
ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга  
ошириш йўлини танлаганимиз бунда айни муддао  
бўлди.

Яъни, бошқача қилиб айтганда, сирти ялтироқ,  
ичи қалтироқ, «шок терапияси»га ўхшаган, бизга  
номаъкул бўлган усулларга берилмасдан, четдан  
маслаҳатчиларни олиб келмасдан, оқибатини ўй-  
лаб, янги жамият, янги иқтисодиётни қуришда ваз-  
минлик билан, шошилмасдан сиёsat олиб бордик.

Яна бир муҳим хулоса чиқаришга даъват этади-  
ган масалага эътиборингизни тортмоқчиман.

Давлатимиз ва иқтисодиётимизнинг узок да-  
вомли келажагини ва манфаатларини кўзлаб, стра-  
тегик ва устувор дастурларни амалга оширишда,  
бошимиздан кечирган оғир ва кескин вазиятлар-  
дан чиқишида, бугун кўпчилик қаторида молиявий-  
иқтисодий инқироз таъсирини бартараф қилишида  
давлат бошқарув тизими ва усулларига суюниш  
ва уларнинг ролини кенгайтириш ва кучайтириш  
ўзини тўла оклаб берганини ҳаётимизнинг ўзи  
тасдиқлаб берди ва бермоқда.

Бундай ёндашув, бундай қараш ва тажриба-  
ларни қўллаш айни муддао эканини бугунги то-

---

бора кескинлашиб бораётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида кўпгина энг йирик ва тараққий топган давлатлар шундай йўлни қўллаб-қувватлаётганида кузатиш қийин эмас.

Юртимизни ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий қарамлиқдан саклаш, кимгадир тобе бўлмаслик учун, лўнда қилиб айтганда, қарз боткоғига ботиб, бўйнимизга бўйинтуруқ илиниб қолмаслиги учун биз халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағлари ва чет эл инвестицияларидан фойдаланишда ҳам ўта сезгирлик ва ҳушёрлик билан иш тутганимиз нақадар тўғри бўлганини, ўйлайманки, бугун барчамиз тушуниб, англаб олмокдамиз.

Шу борада ота-боболаримиздан қолган, «бир жойга киришдан олдин чикишни ўйлаш керак», деган ўгитлар ҳам бу масалада бизни асрашга хизмат қилганини айтиш жоиз.

Бундай фикрларни давом эттирадиган бўлсак, яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим. Биз халқимизнинг бойлиги, шу билан бирга, келажак авлодимизнинг ризқ-насибаси бўлган табиий заҳираларимиз, стратегик ресурсларимизни ўта оғир пайтларда ҳам ҳеч қачон гаровга қўйганимиз йўқ.

Айниқса, четдан таклиф қилинадиган қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, оладиган сармояларни иқтисодиётимизни, аввало, ишлаб чиқариш соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта

---

жихозлаш учун ишлатганимиз ҳозирги вактда мамлакатимизнинг салоҳиятини, эртанги кунимизнинг кафолатини мустаҳкамлаш имконини яратиб бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, аввало, ўз кучимизга ишониб, пухта ўйланган таракқиёт моделини танлаб, келажагимизни қуришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида чуқур ўйланган сиёsatни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иқтисодий хавф-хатардан ҳимоя қиласиган кучли тўсиқ, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Лекин бутун жаҳон миқёсида тобора чукурлашиб бораётган инқирознинг салбий оқибатларини ҳис этмаслик, бу инқироз бизни четлаб ўтади, деган фикр ва хомхаёлда юриш, ўйлайманки, кечириб бўлмайдиган хато бўлади.

Чунки бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажralмас таркибий қисми сифатида ривожланиб бораётгани ва бу жараён тобора кучайиб боришини яхши англаб олиш даркор.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, биз инқирознинг дастлабки белги-аломатлари пайдо бўла бошлиши билан сергак бўлиб, иқтисодиётимиздаги реал

---

аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, бу масала бўйича зарур тайёргарлик кўрганимиз, ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, кенг кўламли дастурларни қабул қилганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Шу борада кўрилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари ҳакида гапирганда, аввало, иқтисодиётимизнинг реал секторининг юкини осонлаштириш, соликларини камайтириш ва давлат томонидан ёрдам бериш, ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қаратиш, искеъмол товарларини тайёрлайдиган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳракатига кенг йўл очиш ва қўшимча имтиёзлар бериш, айникса, қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ таракқиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солик юкини кескин камайтириш, маҳсулотини реализация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш шулар қаторида муҳим ўрин тутади.

Инқирозга қарши чораларнинг энг асосий жиҳатларидан бири – бу транспорт йўллари ва коммуникациялар, авваламбор, социал инфратузилма-

---

ни, жумладан, тоза ичимлик суви, табий газ, электр энергияси тармокларини, хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан биз учун ўта долзарб вазифа бўлмиш янги иш ўринларини барпо этиш масалалари эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш керак.

Жорий этилаётган дастурдан энг катта ўрин олган асосий мақсадларимиздан бири мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит туғдириб бериш ва рағбатлантириш масалаларидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бизнинг инқирозга қарши кўраётган ана шундай чораларимиз ҳозирнинг ўзида дастлабки, аммо ишончли натижаларни бермокда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, факат 2009 йилнинг биринчи ярми якунларини оладиган бўлсак, шудаврда Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва мутаносиб ривожланиб, барқарор ўсиш суръатларига эришганимизни қайд этиш лозим.

Шу вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, товарлар экспорти ҳажми 13,4 фоизга

---

ўсгани, шу билан бирга, инфляция даражаси 3,5 фоиздан ортмагани, амалга оширилган тадбирлар ҳисобидан мамлакатимизда 530 мингдан кўпроқ янги иш ўрни яратилгани, ахолининг реал пул даромадлари 26,0 фоизга ўсгани буни яккол кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш мақсадида жалб этилган инвестициялар ҳажми шу йилнинг олти ойи мобайнида 32,7 фоизга ўсгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2,6 баробар кўпайганини қайд этиш лозим.

Ўтган 2008 йилда ва 2009 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджети профицит билан бажарилгани туфайли жорий йилнинг 1 августидан меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафакалар микдори 25 фоизга оширилгани ва иншоолло, йилнинг охирига қадар яна ошириш имконияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, аҳолимизнинг бу йилги даромадлари ўтган йилгидан кам бўлмайди, деб ишонч билан айтишга тўлик асосларимиз бор.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби ташкилотлар, нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган чукур ва

---

кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий самарасини муносиб баҳолаб, холисона тан олмоқда.

Шу йил май ойида Тошкентда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция ҳам шундан да-лолат беради.

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи ди-ректори Доминик Страсс-Кан жаноблари юрти-мизда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиб, жорий йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этишини расман маълум қилгани ана шундай эътирофнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шуни айтиш керакки, биз ҳозирги вактда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотиряпмиз, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривож-ланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз.

Бу тўғрида узок гапирмасдан, факат битта ми-солни олиб келмокчиман.

Биз шу йилнинг бошида «2009–2014 йил-ларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш,

---

техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чоратадбирлар дастури»ни қабул қилганимиздан хабарингиз бор, деб ўйлайман.

Бу дастурга биноан умумий киймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган тўрт юздан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилғанининг ўзи бизнинг режаларимиз накадар улкан ва жиддий эканининг далили десак, асло муболаға бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар, бугун мана шундай ҳал қилувчи дамларни бошимиздан кечираётган эканмиз, эртанги кунимиз янада обод бўлиши, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун пухта ўйланган дастурларни қабул қилаётган эканмиз, ҳеч қачон кўлга киритган ютуқлардан бошимиз айланиб, оёғимиз ердан узилмаслиги кераклигини, бу йўлда ҳар бир қадамни ҳақиқатан ҳам етти ўлчаб бир кесган ҳолда қўйиш лозимлигини унутмаслигимиз зарур.

Бугун жаҳонда, яқин ва узок атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бутун дунёда сақланаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида, аввало, ҳалқаро майдонда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вактида тегишли хулосаларни чиқаришга даъват этади.

---

Биз тарихан қисқа даврда халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиги ва матонати билан том маънода асрий ўзгаришларга эришганимизни бугун ҳеч ким – бизга хайриҳоҳ бўлган инсонлар ҳам, бизга қандайдир беписанд қарайдиганлар ҳам инкор этолмайди.

Биз ўтган давр мобайнида қандай мураккаб ва машакқатли йўлни босиб ўтган бўлсак, эл-юртимиз ана шу оғир синов ва қийинчиликларда ҳар томонлама чиникиб, тобланиб, иродаси бақувват бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, бугун бизнинг онгу тафаккури-миз, дунёқарашимиз тубдан ўзгармоқда. Биз бугун ўз тақдирини ўз қўлига олган озод халқ, эркин миллат бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, маърифий дунё билан бирга ҳамқадам бўлиб бормоқдамиз.

Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгалик хиссиёти, ён-атрофида ва дунёда юз беряётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда.

Ўзлигини чуқур англаб, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай азиз ва муқаддас Ватаннинг фарзанди эканидан доимо ғуурланиб яшайдиган бундай бунёдкор ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай юксак чўққиларни забт этиш мумкин. Менда бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

---

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор – йўлимизда қандай оғир, машаккатли синов ва қийинчиликлар бўлмасин, биз ҳеч қачон бўш келмаганмиз ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўш келмаймиз!

**Муҳтарам юртдошлар!**

Бугун Тошкент ҳақида, бу буюк шаҳарнинг нафакат Ўзбекистонимиз, балки бутун Шарқ оламидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида гапирав эканмиз, мен ҳам кўпчилик қатори, рухсатингиз билан, Ватанимизнинг гавҳари бўлмиш бу шаҳарга ўз мөхрини билдириб, калбимда, юрагимда бўлган ўй-фикрларим, эзгу ҳиссиётларимни изхор этишини ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Тошкентнинг майин ҳавоси, гўзал табиати, қут-барака ёғиладиган фусункор боғлари, зилол ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, XVI асрда яшаб ўтган тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу диёрни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кезгандек бўлади, деб ёзганида айни ҳақиқатни ифода этган эди.

Йигирма икки аср аввал барпо этилган, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳакли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном ол-

---

ган Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент серқүёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор кўрку тароватини ўзида якъол намоён этади.

Тошкент бугунги кунда нафакат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тарақкий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У – кудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида муҗассам этган йирик мегаполисдир.

Бу гўзал маскан шаркона киёфа, анъанавий ва замонавий архитектура ҳамда ислом маданияти қадриятларини ноёб бир тарзда ўзаро уйғунлаштирган бекиёс шаҳардир. Бетакрор Тошкент – кўп миллатли халқимизнинг фахри ва ғурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

Бу кўхна шаҳар ўз тарихида не-не босқин ва синовларни кўрмади, неча бор вайрон бўлиб, гоҳ Қанқа, гоҳ Бинкат, гоҳ Мингўрик, гоҳо Чоч ва Шош каби номлар билан шу тупроқда яшаган аждодларимизнинг машакқатли меҳнати, матонати ва жасорати туфайли ҳар сафар қайта тикланди.

Тошкент ҳақида ўйлаганда, беихтиёр бу шаҳар нима учун айнан шу ерда, шу заминда пайдо бўлган, деган савол туғилади.

Бизгача етиб келган илмий маълумотларни қиёслаб, умумлаштирган ҳолда фикр юритадиган

---

бўлсак, Тошкентнинг шаҳар сифатида вужудга келиши ва шаклланиши объектив тарихий зарурат натижаси бўлганини таъкидлаш лозим.

Милоднинг дастлабки асрларига оид хитой манбаларида Ши, яъни «тош шаҳар» деб тилга олинган бу ўлка тарихчи олимларнинг фикрларига кўра, минтақамиздаги энг қадимий одамзод манзилгоҳларидан бири хисобланади.

Маълумки, қадим замонларда шаҳарларнинг пайдо бўлишида, аввало, ҳимоя ва таъминот масаласи ҳал қилувчи ўрин тутган. Шу маънода, Тошкентнинг Чотқол ва Курама тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда, азим Сирдарё ва Чирчик дарёларининг серсув соҳилларида, олтин ва кумуш, мис ва қўрғошин, рангли металл конлари, кенг дала ва яйловлар, бой табиат ва ҳайвонот оламига эга бўлган воҳада пайдо бўлгани, албатта, бежиз эмас.

Ана шундай бекиёс имкониятлар хисобидан бу ерда қадимдан дехкончилик ва чорвачилик, металл қазиб олиш, тўқимачилик, кулоллик ва шишасозлик сингари касбу хунарлар кенг ривож топган. Буни кўхна Тошкентда мавжуд бўлган Темирчи, Мискарлик, Дегрезлик, Ўқчи, Эгарчи, Такачи, Маҳсидўзлик, Кўнчилик, Парчабоғ каби кўча ва маҳаллалар, гузарларнинг тарихий номлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Айникса, тошкентлик мохир усталар томонидан тайёрланган жанговар қуроллар, жумладан, Шош

---

камонлари ва ўқ-ёйлар, эгар-жабдук ва қалқонлар дунёда машхур бўлганини ҳам турли манбалар тасдиқлайди.

Тошкентнинг «нон шаҳри» деб етти иқлимда шуҳрат қозонишида, албатта, бу шаҳарнинг қутбаракали, унумдор тупроғи, энг муҳими, шу масканда туп қўйиб, палак ёзган ота-боболаримизнинг меҳр-оқибати ва қалб саховати асос бўлганини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Пойтахтимиз номига, шонига, тарихига сингиб кетган бундай хусусиятлар ҳакида кўп гапириш мумкин.

Лекин, энг муҳими, ҳар қандай ҳаётий синовлар, табиий офатларга қарамасдан, ўз ўрнида доимо муқим бўлиб келаётган Тошкентнинг бугунги юксак тараққиётини кўрган инсон, бу шаҳар учун айнан шу жой танлангани тарих давомида ҳар томонлама ўзини оқлаганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиласи.

Содда қилиб айтганда, бугун, орадан шунча вакт ўтиши билан Тошкентнинг айнан шу маконда ҳануз барқарор бўлиб келаётгани одамни нафакат ҳайратга солади, шу билан бирга, узокни ўйлаб иш тутган, бу шаҳарга асос солган олис аждодларимизнинг аклу заковатига тан беришга, таъзим қилишга ундейди.

Азиз дўстлар, бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Агарки, орадан асрлар, минг

---

йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замона-  
вий билим ва тажриба, цивилизация ютукларига  
суюниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан  
жой танлаш зарурати туғиладиган бўлса, хеч ик-  
киланмасдан айтиш мумкин, яна айнан шу жойни  
танлашга тўғри келган бўлур эди.

Ҳар бир ғиши, ҳар бир қарич ерида улуғ аждод-  
ларимизнинг излари қолган бу хосиятли заминдан  
номлари бутун ислом оламида маълуму машхур  
бўлган Имом Каффол Шоший ва Шайх Хован-  
ди Тоҳур, Ҳўжа Аҳрор Валий, Ҳофиз Кўйкий ва  
Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Қўйлик ота  
сингари азиз-авлиёлар, «Шоший», «Тошкандий»  
таҳаллуси билан илму маърифат, дину диёнат, ма-  
даният ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб алло-  
ма ва мутафаккир зотлар этишиб чиқкан.

Тошкент ҳакида сўз юритар эканмиз, хеч  
шубҳасиз, бу шаҳар тарихига ёрқин саҳифалар  
битган Амир Темур бобомизнинг муборак номини  
эсга олишимиз албатта табиийдир.

Соҳибқирон ҳазратлари Туркистон ўлкасида  
буюк ва қудратли давлат барпо этишда Тошкент-  
нинг қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини  
яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Тошкент  
ҳакли равишда темурийлар давлатининг мустах-  
кам қўрғонига, салтанат таянчига айланди.

Тошкент ҳамма замонларда ҳам меҳмондўст,  
бағрикенг шаҳар бўлганини унинг машҳур 12

---

дарвозаси орқали шарқу ғарб, жанубу шимолдан, дунёнинг ҳамма минтақаларидан савдо карvonла-ри бу масканга кириб келгани, ўз навбатида, Тошкентдан ҳам жаҳоннинг турли ўлкаларига қараб карvonлар йўл олгани, шу тариқа бу заминда ци-вилизация ва маданиятларнинг ажиб бир тарзда ўзаро уйғунлашиб кетганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Азал-азалдан Тошкенти азимда барча миллат ва элатларнинг вакиллари ризқ-насиба топиб, бир-бири билан аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елқадош бўлиб яшаб келганига кўхна тарих гувоҳлик беради. Бу фикрни Тошкент тупроғида қадимдан мавжуд бўлган Қашқар, Турк ариқ, Эрон, Нўғой тепа, Қозок бозор, Қирғиз кўприк, Тожик маҳалла каби маҳалла ва мавзеларнинг номлари ҳам тасдиқлайди.

Тошкентнинг Тошкент деб, яъни тошдек мустаҳкам шаҳар деб доврук таратишида бу ерда яшаган аҳолининг асрлар давомида ёв-ларга қарши – бу мўғул босқини ёки араб истилоси бўладими, бошқа мустамлакачи кучлар бўладими – уларнинг барчасига қарши кўрсатган мардона жасорати муҳим роль ўйнагани шубҳасиз, албатта.

Айниқса, кейинги бир ярим аср давомида юртимиз ҳаётида қандай улкан ва ҳал килувчи, шу билан бирга, қандай оғир ва изтиробли воқеалар юз

---

берган бўлса, Тошкент ҳамиша уларнинг марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни забт этишга каратилган ҳаракатларнинг дастлабки зарбасига айнан Тошкент дуч келгани ва шаҳар ахли ўз юртини ҳимоя қилишга бутун куч-кувватини сафарбар қилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолганини эслаш жоиз.

XX асрда бутун мамлакатимиз қатори бошига қандай оғир мусибат ва синовлар тушмасин – бу шўролар тузумининг ўрнатилиши бўладими, 20–30-йиллардаги даҳшатли очарчилик ва қатағонлар бўладими, уруш даврининг қийинчиликлари бўладими, 1966 йилдаги кучли зилзила талафотлари бўладими – буларнинг барчасини Тошкент сабртоқат ва матонат билан енгиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг минг-минглаб ўғил-қизлари фашизмга қарши жангларда мардана иштирок этди. Айни пайтда у фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган неча ўн минглаб инсонларни, ота-онасиз колган болаларни «Сен етим эмассан!» деб бағрига олди, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Тошкент ахли, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ва меҳрибонлик фазилатларининг ёрқин намунаси бўлмиш бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

---

Сўнгги пайтда бу муаззам шаҳарга мансуб гўзал таърифлар қаторига «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» деган юксак номнинг қўшилгани ҳар қандай мураккаб замонларда ҳам ўзининг миллий-диний қадриятларини саклаб қолишга эришган пойтахтимиз, бутун халқимизга берилган яна бир муносиб баҳо бўлди.

Қадрли дўстлар!

Тошкент ҳақида сўз борганда, шу азим масканда туғилиб вояга етган, оила қуриб, баҳт топганлар бўладими, узоқ-яқиндан келиб, Тошкент бағрида таълим-тарбия олган инсонлар бўладими, бир сўз билан, ўзбекона қилиб айтганда, кимки Тошкентнинг сувини ичиб, тузини тотган бўлса, барчамизниң қалбимизда, тасавурумизда бу шаҳар билан боғлик воқеалар, ёруғ кечинмалар, ширин хотирадар жонланади. Шу маънода, Тошкент ягона Ватаннинг ифодаси, ажralmas қисми сифатида юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг юрагидан умрбод жой олиши шубҳасизdir.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар биримизнинг ўз Тошкентимиз бор, десак, буям ҳар томонлама тўғри бўлади.

Албатта, бугунги кунда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қадимий даҳалар, тангу тор, эски кўчалар ўрнини замонавий бинолар, гўзал майдон ва хиёбонлар, равон йўл ва кўприклар, кўркам фавворалар эгаллади. Лекин пойтахтимиз

---

қандай ўзгармасин, одам барибир болалиги, ёшлиги, илк муҳаббати кечган жойларни беихтиёр эслайди.

Тошкентнинг файзли манзараларини, ўзи учратган, меҳридан баҳраманд бўлган маҳаллий халқ вакилларини, саховатли, дилкаш ва донишманд инсонларни, уларнинг дийдорини, сұхбатини кўмсайди, соғинади.

Бирор Бешёғоч майдонини, кимдир Арпапоя кўчасини, яна кимдир Кўкча даҳасини ёдга олади. Яна кимдир талаба дўстлари билан Анҳор соҳилларида кечган беғубор дамларини хаёлидан ўтказади.

Бу шаҳарда туғилиб камол топган Абдулла Авлоний, Мунаввар кори, Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Ғулом, Зулфия, Миркарим Осим, Сайд Аҳмад, Обид Содиков, Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов, Юнус Ражабий, Шукур Бурхонов, Ўлмас Умарбеков сингари – бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин – ўнлаб буюк илм-фан ва маданият намояндалари халқимизнинг ижтимоий тафкури, маънавий оламини юксалтиришга бебахо ҳисса қўшганини барчамиз ҳамиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Шулар қаторида Тошкентда илдиз отиб, унинг бағрида ўз истеъоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга эришган минг-минглаб машҳур ватандошларимиз ва узоқ-яқин ўлкалардан келган ин-

---

сонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам бу шаҳар тарихининг узвий бир қисмига айланниб кетганини яхши биламиз.

Мен ҳам бошқалар қатори кўхна Тошкентни, унинг эски толзор кўчаларини, пахса деворли уйларини, район ҳиди, тандирдан узилган нон иси уфуриб турадиган файзли ҳовлиларни, трамвайлар кўнғироғи, уларнинг гулдураган товушини ҳалибери яхши эслайман. Эски Жўва, Чорсу, Хадра майдонлари, Навоий кўчаси, собиқ Ғалаба парки, зилзиладан олдинги Чилонзор боғлари хозир ҳам кўз ўнгимда туради.

Ишончим комилки, бундай хиссиёт ва кечинмалар жуда кўп одамларга хос бўлиб, юртни севиш, уни жондан азиз кўриш айнан мана шундай мисоллар орқали яққол намоён бўлади.

Айтиш керакки, Тошкент халқининг ҳеч кимга ўхшамайдиган табиати, истараси иссик чехраси, ўзига хос бетакрор шеваси юрагимдан чукур жой олган бўлиб, мен бу элнинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман, доимо уларга муносиб бўлишни истайман.

Бугунги кунда Тошкентимизнинг ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан шундай узвий боғланиб кетганки, бунинг таъсирини сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ватанимизнинг бепоён ҳудудини Тошкентда туриб, худдики тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш,

---

киёслаш, тасаввур килиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка кўтариб, унинг макомини пойтахт бўлишга ҳар томонлама муносиб қилиб яратган, десак, муболаға бўлмайди.

Тошкентнинг барча жабҳаларда, айниқса, бунёдкорлик ва ободончилик борасида юртимиздаги бошқа шаҳарларга ўrnak бўлиб, ҳақиқатан ҳам, халқимиз, миллатимиз қиёфасини, унинг моддий ва маънавий қудратини ўзида ёркин мужассам этиб келаётгани билан ҳар қанча ғуурлансак арзиди.

Авваламбор, Тошкентнинг маркази ва юраги бўлган, бутун халқимиз учун фахр ва ифтихор тимсолига, кутлуг қадамжога айланган Мустакиллик майдонини бир марта кўрган инсон унга умрбод мафтун бўлиб қолиши мукаррар.

Барчамиз қаерда бўлмайлик, қайси юртларни кезмайлик, доимо Тошкентни соғиниб, унга талпиниб, суяниб яшаймиз. Тошкентнинг тарифини еган чумчук Маккадан ҳам қайтиб келади, деган накл бежиз айтилмаган.

Шахсан мен ўз ҳаётим, раҳбарлик фаолиятим давомида жаҳондаги кўплаб узок-яқин, катта-кичик мамлакатларни кўрдим. Мана, яқинда дунёнинг нариги четида жойлашган, Бразилия деб ном олган йирик давлатни ҳам бориб кўриш насиб этди.

---

Мен бир фикрни илгари ҳам айтганман ва уни бугун ҳам такрорласам, түгри тушунасизлар, деб ўйлайман. Қаерга бормайин, у ўлка қандай гўзал ва бетакрор бўлиб туюлмасин, мен у ерда икки-уч кундан ортиқ туролмайман. Қандайдир буюк, балки илоҳий бир куч мени беихтиёр ўз юртимизга, Тошкентга тортаверади.

Бундай хиссиётни факат мен эмас, балки жуда кўпчилик юртдошларимиз ҳам бошидан кечиради, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

Нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам, мен Тошкентда таълим олганман, унинг сувини ичиб, нонини еганман, мен Тошкент мактабини кўрганман, деб бу шаҳарга меҳр ва ҳурмат билан яшаётган минг-минглаб одамларни учратганда, албатта, ҳаммамиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз.

Табиийки, бугунги ёшларимизнинг ҳам ўз Тошкенти бор. Улар Тошкент деганда, авваламбор, мустақил Ватанимиз пойтахтини, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини, спорт, маданият ва маънавият масканларини тасаввур қиласди.

Тошкент бугунги кунда миллионлаб фарзандларимизнинг эзгу интилишларига қанот берадиган, уларнинг парвози учун янги-янги уфқлар очадиган, том маънода ёшларнинг орзусидаги шаҳарга айланмоқда.

Бу гапларнинг барчасини умумлаштириб, бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз Тошкент тимсоли-

---

да Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида эса Тошкентни севамиз ва қадрлаймиз.

Барчамизга аёнки, пойтахт аҳли, деган иборада жуда катта маъно, жуда катта масъулият бор. Мана шундай юксак шарафни чукур англаб, унга доимо ўзининг амалий ишлари билан муносаб бўлиб келаётган Тошкент халқи ҳар қандай ҳурмат-эътиборга сазовордир.

Мен шу юксак минбарда туриб, Тошкентни Тошкент килган, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшаётган, кўпни кўрган, фидойи, оқкўнгил ва меҳридарё Тошкент аҳлига бош эгиб таъзим қиласман.

**Ҳурматли юртдошлар!**

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Сизларга яхши маълумки, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳукукий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга кўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни саклаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга мухабbat, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шахри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган эди.

---

Энди катта мамнунийт билан Тошкент шаҳрига ана шу юксак мукофотни топширишга ижозат бергайсиз.

Мұхтарам Тошкент ахли, қадрдонларим!

Мана шундай унугилмас лаҳзаларда сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентнинг бугунги катта түйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, бизнинг кувончимизга шерик бўлаётган хорижий элчионалар ва ваколатхоналар вакилларига, узокъяқиндаги барча дўстларимиз ва ҳамкорларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳрининг умри боқий бўлсин!

Тошкентдек буюк шаҳарларни яратган халқимиз мангу яшасин, баҳту саодати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

*Тошкент шаҳрининг 2200 йилтигига бағишиланган  
тантанали мажлисдаги нутқ,  
2009 йил 1 сентябрь*

---

## **ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА**

Мухтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг – кўз нури ва қалб қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлиб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилакларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу ойнинг бошида бутун халқимиз барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган миллий байрамимизни – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини катта завқ, ғуур ва ифтихор билан нишонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кутган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз олдига

---

хеч кимдан кам бўлмайдиган мустакил демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш, юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш каби улуг ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараккиёт йўлини танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган ютуқ ва мэрраларни сархисоб қиласар эканмиз, тарихан қиска бир даврда юртимизнинг, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, чехраси обод бўлаётганини, иқтисодиётимиз янги босқичга кўтарилиб, тез суръатлар билан ривожланаётганини, турмушимиз, ҳаёт тарзимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёrimизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир ва машаққатли бўлмасин, накадар тўғри эканини кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижаларидан баҳраманд бўлиб бормокда.

Шуни таъкидлаш керакки, биз ўз мақсадларимизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик. Турли хил енгил-елпи маслаҳат ва зуғумларга берилимасдан, вазминлик ва қатъият билан эски тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чукур ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамиятни бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану бир жон бўлиб меҳнат килдик.

---

Авваламбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга суюниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захираларимизни халқимиз ва келажак авлодимиз манфаатлари йўлида окилона ишлатдик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг техника ва технологияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгитдан куришга, давлат бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунчилик тизими бўладими, ижро ва суд-хуқуқ тизимининг марказий ва худудий бўғинларини шакллантириш бўладими, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахлизилигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамиятни жамият қиласидиган, замонавий тараккиёт учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиёсий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда барпо этилган ана шу тузилмаларнинг тўлаконли фаолият юритиши, миллий манфаатларимизга хизмат қилиши учун уларни янгича фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил давлат

---

бўлиб шакланиш даврида бизнинг олдимизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан бирга, энг нозик масала бўлганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азизларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртларимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу вазифани бутун борлиғингизни бағишилаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чукур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданок ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълими ни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда уларни якунига етказиб, бу борада ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихида, албатта, сакланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи бир ракамларни олиб келишни ўринли деб биламан.

---

Биргина Мактаб таълимини ривожлантириш дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида 8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янада аникрок айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та мактаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг 470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб капитал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникикаси, дарслклар ва ўкув-услубий воситалар билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё, биология фанлари бўйича лаборатория хоналарининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробардан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 баробардан ортиқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қиска давр мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимини жорий этиб, вояга етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга касб-

---

хунар ўргатиш мақсадида биз учун мутлақо янги бўлган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз мамлакатимизда ушбу соҳа ривожида алоҳида ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар 2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маблағ сарфлаб, 1364 та касб-хунар коллежи, 137 та академик лицей бунёд этганимиз барча узок ва яқин кўшниларимизнинг, жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани, албатта, бежиз эмас. Замонавий юксак талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шундай таълим масканларини битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, кишлоп хўжалиги, бошқарув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч билан караб яшаётган 1 миллион 446 минг нафар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераётган бекиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида қабул қилган қарорларимиз, аввало, педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фазилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

---

Мухтарам дўстлар!

Мана шундай байрам кунларида биз мустақиллик йилларида хар қандай оғир синов ва қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш, юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига эришиш йўлида килган ишларимизга холисона баҳо берар эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтишини ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган, уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта мухим бир омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилашнинг асосий шарти ва гарови бўлмиш бу масалани, ўз навбатида, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаслигини чукур анлаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу вазифани адo этиш учун бор куч-ғайратимиз, имконият ва салохиятимизни сафарбар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу холосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё миқёсида молиявий-иктисодий инкиroz

---

чуқурлашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда баркарор ўсиш суръатларини саклаб қолишига эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг оғир, айни пайтда шарафли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслакдош ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, баҳту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **ҲАМДҮСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНинг 51-МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

**Муҳтарам мажлис иштирокчилари!  
Қадрли меҳмонлар!**

Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг навбатдаги мажлиси қатнашчиларини меҳмондўст Ўзбекистон заминида самимий кутлашдан ғоят мамнунман.

Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатимиз кадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик карор топган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистраль йўллар оркали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ҳозирги кунда дунёда, айникса, минтакамида рўй бераётган чукур ва изчил сиёсий-иктисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлакларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истиқболли бозорларни боғлайдиган янги, самара-

---

ли йўналишларни очиш ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда.

Бу узок муддатли умумий манбаатларимизга мос келади, бой табиий захиралар ва минерал-хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлашга кўмаклашади, шунингдек, давлатларимизни ижтимоий-иктисодий барқарор ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат килади ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача мўлжалланган комплекс дастур ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Ушбу дастур поездлар паркини янгилаш, йўлларни қайта тиклаш, ихтисослаштирилган саноат корхоналарини реконструкция ва модернизация қилишга доир биринчи галда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олган. Ушбу концепцияда, шунингдек, биз учун ва бутун миңтақа учун янги бўлган тезюරар йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу темир йўл транспорти ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини тубдан ўзгартиради.

Ишончим комилки, мамлакатимиз ҳудудида мурakkab табиий-иқлим шароитида «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» замонавий темир йўл линияси бунёд этилгани, фаолият кўрсатаётган «Навоий» мультимодаль логистика марказининг ривожлан-

---

тирилиши, шунингдек, ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Трансафғон транспорт йўлагининг «Ҳайратон – Мозори Шариф» кисмининг барпо этилиши минтака давлатларининг транспорт-коммуникация ва транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар ушбу тузилмага аъзо давлатлар вакиллари учун долзарб бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Бу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, шубҳасиз, темир йўл тизимини янада такомиллаштириш, давлатларимиз хаётида муҳим ўрин тутадиган мазкур соҳада интеграция жараёнларини чуқурлаштириш имконини беради.

Барчангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун бутун юртимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қувончли бир воеа билан, яъни мамлакатимиз паҳтакорлари ўз зиммасига олган шартнома режасини муваффақиятли адо этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишга эришгани билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳаммамиз кутган бу ғалаба, авваламбор, заҳматкаш, кўпни кўрган деҳқон ва фермерларимизнинг, бу ютуқقا муносиб ҳисса қўшган мутахассис ва механизаторлар, барча қишлоқ меҳнаткашларининг азму шижоати ва фидокорона меҳнатининг натижасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, доимо ер билан тиллашиб, унга бутун борлигини бериб меҳнат қиласидан деҳқон учун қишлоқ хўжалиги соҳасида осон йилнинг ўзи бўлмайди. Айтиш керакки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало, баҳор серёғин келиб, иқлим инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўллар кўпайгани,

---

куёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли дала-ларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қарийб бир ой орқага сурилиб кетди.

Бундан ташқари, намгарчилик юкори бўлгани учун турли касалликлар, ҳашарот ва зааркундалар кўпайиб, деҳқон ва фермерларимиз учун яна бир жиддий синовга айланди.

Буларнинг барчаси деҳқонларимиздан ҳар тупғўза атрофида парвона бўлиб, экинга кўшимча ишлов бериш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, бир сўз билан айтганда, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар қачонгидан кўра эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб этганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустаҳкам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан ғалабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибdir.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги мавсумда, мана шундай ўта мураккаб шароитда сизлар қўлга киритган бу ютуқ мамлакатимиз пахтачилиги тарихига алоҳида ёрқин сахифа бўлиб киради, албатта.

Бугунги катта ғалабага асос бўлган омиллар ҳақида гапирганда, бунинг замирида, авва-

---

ламбор, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида узокни кўзлаб амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз, ота-боболаримизнинг бой дех-қончилик тажрибаси ва замонавий илм-фан ютуклари билан бирга, дехқон ва фермерла-римизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари мужассам эканини таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, фермерлик ҳаракатини ривож-лантиришга, унинг истиқболини ўйлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиши учун мустаҳкам қонуний ва ташкилий-амалий замин яратганимиз, бу ҳаракатнинг самарасини ошириш йўлида кенг миқёсда имтиёз ва имко-ниятлар туғдириб берганимиз нафақат бугунги ғалабага эришишда, балки қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтаришда ғоят муҳим омил бўлганини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу йилги мавсум якунлари ҳақида гапирав экан-миз, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Коракалпоғистон Республи-каси меҳнаткашлари ишни уюшқоқлик билан таш-кил этиб, шартномавий мажбуриятларини 25–30 иш кунида ортиғи билан адo этишга эришганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мамлакатимизнинг улкан пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган Пахтаобод,

---

Олтинкўл, Кумкўрғон, Шеробод, Касби, Кизилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Қува, Боёвут, Бўка, Элликқалъа, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари бу борада бошкаларга ўрнак бўлгани алоҳида таҳсинга сазовор.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида айниқса, Қўрғонтепа туманидаги «Оксув», Олтинкўл туманидаги «Намуна гулшани», Бўка туманидаги «Саркор», Чиноз туманидаги «Мукимий», Гурлан туманидаги «Ҳайитмат ота», Элликқалъа туманидаги «Рўзимбой», Навбаҳор туманидаги «Муслим Мадаминов», Қамаши туманидаги «Ашур бобо», Поп туманидаги «Эрназар», Қува туманидаги «Олтин диёр», Кумкўрғон туманидаги «Гулистан» сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45–50 центнерга етказгани фермерлик ҳаракатининг қандай катта имкониятларга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз қаторида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дехконларимизнинг машакқатли меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият хиссини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган катта ишларимиз ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини қайд этиш зарур.

---

Айникса, «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли нафақат қишлоқларимиз киёфаси бутунлай ўзгараётгани, шу билан бирга, дехқонларимиз, қишлоқ аҳлининг онгу тафаккури, турмуш маданияти юксалиб, уларнинг эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ходисаларга дахлдорлик туйғуси, ҳаётга фаол муносабати кучайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтаси халқаро миқёсда тобора харидоргир бўлиб, республикамиз жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буён Тошкент шаҳрида ўtkазилаётган, кўплаб нуфузли хорижий савдо компаниялари қатнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодиётимизда етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигига ер унум-

---

дорлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, катта меҳнат, масъулият ва сафарбарликни талаб қиласиган пахтачилик соҳасига илғор тажрибалар, замонавий янги технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ва фаровонлигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш масалалари биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

**Азиз дўстларим, биродарларим!**

Сизларни бугунги юксак меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

**Доимо бахтингиз, омадингизни берсин!**

**Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!**

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

# **ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР**

**Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!**

**Хурматли дўстлар!**

Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамияти-  
миз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган қутлуғ  
байрамлар каторида мустақиллигимизнинг тамал  
тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг  
пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз  
қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифати-  
да кенг нишонламокда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар  
оркали бутун халқимизни шу буюк айём билан  
чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг  
самимий тилакларимни изхор этишга рухсат бер-  
гайсиз.

**Мұхтарам юртдошлар!**

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни  
1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини  
ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маъно-  
да тарихий ҳужжатни – ҳаётимиз комуси бўлмиш  
Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини  
окламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги

---

давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳукукий демократик давлат, фукаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Конунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало, Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган конун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий Конунимиз белгилаб берган мустақил таракқиёт йўли накадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган

---

маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустакиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам хукуқий-меърий замин яратилди.

Охирги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимиға замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча хукук ва ваколатлар бериш, умуман,

---

сайловчиларнинг ҳуқукини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб кўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар каторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштироқининг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ахолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигига Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқук ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралashiшга ҳақки йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

---

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирларнинг барчаси, **авваламбор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва хаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғуур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон, биринчи навбатда, куйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:

**аввало**, бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдифини синаш демакдир;

**иккинчидан**, бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини англатади;

**учинчидан**, конун устунлиги ва унинг барчага тенглигининг намойиши бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи

---

назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдириб беришни билдиради;

**тўртинчидан**, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва етуклик даражасини кўрсатади;

ва нихоят, **бешинчидан**, бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятили сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнларини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёрмиз?

Нафакат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва айни муддао бўлур эди.

Чунки юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуклик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш – бу шунчаки бир мақсад эмас, авваламбор, эркин ва озод яшаш,

---

хар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзагини ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал килувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз тобора англаб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, биз бу йўлни кимгадир кўз-кўз қилиш, кимнингдир олдида намойиш этиш учун танлаганимиз йўқ.

**Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, такрор-такрор айтаман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.**

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз – биз кўзлаган мэрраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуктаи назардан ўзимиз истаган, тараққий топган давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни, аввало, ўзимиз англашимиз ва амалий хulosалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим ўрин тутади.

---

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳётида ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлмиш сайловларни муносиб ўтказиш максадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

**Биринчидан**, Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги конунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган коида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчининг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айникса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туюладиган, умумэътироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айrim ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан – булар халқаро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат ташкилотлар вакиллари бўладими – билдириладиган эътиrozларга хурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиятчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнларига аралashiш, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ножӯя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишидан қатъи назар, чукур англаб олишлари даркор.

---

**Иккинчидан**, яна бир бор айтиб ўтишга түғри келади – қонун барчага teng. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнларида, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулокот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит туғдириб бериш, уларнинг ҳуқук ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакки, айни шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки кимгадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

**Учинчидан**, аслида сайлов дегани – бу, аввало, ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қиласди.

Нега деганда, ҳар бир фуқаро ўзи сайлайдиган номзод – у эртага маҳаллий кенгашларга ёки Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига аъзо бўладими – депутатлик мандатига эга бўлганидан

---

сўнг унга билдирилган юксак ишончни оклаш мақсадида мамлакатимиз, юртимиз равнақи учун, халқимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши учун қандай ҳисса кўшишини ҳар қайси сайловчи ўзига аниқ тасаввур қилиши, яъни овоз беришда адашмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эртанги куни ни ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз.

Ўз олдимизга кўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим боскич бўладиган бу жараён юртимида яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

Бугун мана шу залда ўтирган сиз, азизларнинг юзларингизга караб, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ўзимга тасаввур қилиб айтмоқчиман: биз навбатдаги сайловни муносиб даражада ўтказиб, халқаро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуклигимизни яна бир бор намоён этишга, албатта, кодирмиз. Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунё-караши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган

---

вокеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғуур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини **қўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.**

Ишончим комилки, кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда, аввало, фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-максадларини рўёбга чикариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг таракқиёти учун овоз беради.

**Азиз дўстлар!**

Маълумки, бундан бир йил муқаддам сизлар билан маслаҳатлашиб, 2009 йилга юртимизда «Кишлок таракқиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берган эдик. Ва шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала, яъни кишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чукурлаштириш, қишлок аҳолисининг ҳаёт даржаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида маҳсус давлат дастури кабул қилганимиздан ҳам хабарингиз бор.

«Кишлок тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган ғояни ўзида мужассам этган бу дастурнинг маъно-

---

моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафакат 2009 йил учун, балки ўрта ва узок муддатли истиқбол учун белгиланиб, унинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Мен ушбу дастурниг ўта кенг қамровли миқёсини инобатга олган ҳолда, факатгина уни амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳакда гапирганда, авваламбор, қишлоқ аҳлиниг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларниг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган норматив-ҳукуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини кайд этиш лозим.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларниг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларниг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Шу мақсадда 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий обьектлар курилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

---

Айтиш керакки, мазкур институт томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, майший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юкори малакали мутахассислар жалб этилиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия килинди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжинииринг компанияси бугунги кунда марказда ва жойларда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган ва ҳозирги вактда вилоят марказларида ўтказилаётган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилмоқда ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этиш мақсадида алоҳида қарор билан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилиб, айни пайтда кўпчилик мижозлар унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йил-

---

нинг ўзида мазкур банк оркали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Келгуси йилда эса ана шу мақсадлар учун кўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан бериладиган маблағdir.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, кишлок худудларида эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги ўй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март – апрель ойларида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу уйлар, аввало, ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни амалда синаш, эртага шу уйларда яшайдиган одамларнинг таклиф ва истакларини ҳар томонлама ўрганиш ва бажо келтириш учун тегишли хulosалар чиқариш имконини беради.

Бу қурилишларда ана шу ўй-жойларнинг бўлгуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан иштирок

---

этмокда. Энг мухим жиҳати шундаки, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Кишлок қурилиш банк» томонидан бериладиган узок муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

Айни шу холат, яъни, бу уйлар учун сарфланган маблағни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар беради.

Бу борадаги ишларимиз 2010 йилда янада кенг кўламда давом эттирилиб, мамлакатимизнинг 159 та, яъни барча кишлок туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этилади. Насиб этса, уларни келгуси йилнинг август–сентябрь ойларида ўз эгаларига топширамиз, албатта.

Алоҳида дикқатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусика мактаблари, спорт иншотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, кишлок ахлиниң ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий тураржой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда энг

---

муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам анча ишлар килинди.

Бу ҳакда гапирганда, аввало, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш куввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсо-картон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, янгитдан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, ғишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар туғдириб берилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳакида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфлангани, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўплаб янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланганини айтиш лозим.

---

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

### Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал килувчи кучга айланаб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш максадида қилинаётган ишлардан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилгани хусусида тўхталишимиз табиий, албатта.

Шулар қаторида 81 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр

---

узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар курилиши якунига етказилди.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машакқатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз минглаб дехқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатга оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, такрор айтаман, бундай ғоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шуни миннатдорлик билан таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳакида сўз юритганда, қишлоқ жойларда тобора ривожланаб бораётган хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмокчиман.

Маълумки, ҳозирги вактда қишлокларимизда анъанавий миший хизматлар билан бир қаторда, замонавий телекоммуникация тизимлари, хусу-

---

сан, интернет, уяли алоқа, яъни мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу ракам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам шундан далилат беради.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиласидиган З мингта шохобча ташкил этилди.

Айниқса, жорий йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби, такрор айтаман, фақатгина қишлоқда жойлашган мактаблар интернет тармоғига улангани бу соҳада амалга оширган жиддий ишларимиз қаторига киради.

Азиз дўстлар, ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги кунда айнан мана шундай коммуникация хизматларидан фойдаланиб, энг олис қишлоқда яшаётган одамлар ҳам – у фермер ёки тадбиркор бўладими, ҳунарманд ёки ўқитувчи бўладими – дунёning исталган чеккаси билан боғланиш, мулокот қилиш, турли хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишини бундан беш – олти йил олдин фараз қилиш мумкинмиди?

---

Энг асосийси, бундай хизмат турлари ахоли эҳтиёжини қондирибина қолмасдан, айни пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратадигани, ўзингиз айтинг, бугун униб-ўсиб, хаётга кираётган ёшлигаримизнинг келажагини, истиқболини белгилаб бермайдими?

Биргина жорий йилнинг ўзида факат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилиб, уларда, асосан, ана шундай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани барчамизни кувонтиради, албатта.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳакида гапирганда, энг ўткир ва дол зарб яна бир масаланинг ечими тўғрисида доимо ўйлашимиз табиийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ахолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлик бўлиб, бу борада ҳам анча ишлар килинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий киймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44

---

та «УАЗ» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл маҳсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар bemor шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлиги ни мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

### Қадрли дўстлар!

Ижозатингиз билан, «Қишлоқ тарақкиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуридан ўрин олган яна бир устувор йўналиш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғуурланиб гапирсак арзиди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

---

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция килиш, энг юксак талаблар асосида жихозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, бекиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзига тасаввур киларди.

Бугун мамнуният билан таъкидлаш керакки, биз қандай қийин ва оғир бўлмасин, бу дастурларни қатъият билан амалга ошириб, бундай билим масканларини нафакат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида бунёд этишга эришдик.

Бунинг натижасида барча ёшларимиз катори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўкув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит туғдириб бериш учун ана шу иккита дастур қандай мустаҳкам замин яратганини бугун вакт ўтиб, барчамиз тушуниб етмоқдамиз.

**Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда,**

---

**барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, хеч қандай хато бўлмайди.**

Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн – ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай ахволда эди?

Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб боришини ким фараз қила олар эди?

**Айниқса, биргина жорий йилнинг ўзида шу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилиб, юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва қасб-хунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.**

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари хеч качон кўрилмаган ҳодисадир.

---

Мухтарам дўстлар, мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳакида, пахта, ғалла ҳакида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулокотларда ёшу қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳакида тўхталиб, гапни авваламбор шундан бошлиди.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўлқинланиб, қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, баҳту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқрок айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган **таълим соҳасидаги буюқ дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз** накадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Шулар ҳакида гапирар эканмиз, жорий йилда ўзининг амалий йўлини бошлаган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури

---

ҳам теран маъно-мазмуни ва мақсадлариға кўра, юқорида тилга олинган дастурлар билан чамбарчас ва узвий боғланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, бу дастурлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига замин туғдириб бераётган, бир-бирининг мантиқий давоми бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшаётган ҳужжатлар, десак, янгишмаган бўламиз.

Шу маънода, «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафакат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.

Бунинг тасдиғи ва исботи сифатида — шунга алоҳида эътибор бериш зарур — фақатгина шу йилнинг ўзида бу дастурни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганинг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Ишонаманки, кириб келаётган 2010 йилда бу мақсадларга сарфланадиган маблағлар ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай улуғ, қиёси ва ўлчови бўлмаган олийжаноб ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган юртимиздаги давлат ва но-

---

давлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлатлар ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчи ва вакилларига, шу йўлда холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошлар!

Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар хусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аник белгилаб олсак, айни муддао бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз, биринчи навбатда, давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг камровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни қўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини кўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг

---

бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда **«Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этмоқчиман.**

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олийжаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу нијатларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзузи туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми?

Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчилкларни енгиш,

---

биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Келинглар, шу масала устида атрофлича бир фикр юритиб кўрайлик.

Агар биз ўз вақтида узокни кўзлаб, эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чукур билим ва қасб-хунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиласиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иктисодий инкиroz даврида юртимиизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда ҳалқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга теран бир ҳакиқат аён бўлиши керак – биз юртимиизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чукур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимиизнинг эртанги куни, тараккиёти учун **масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етуқ мутахассис ёшларимиз**, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

---

Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор.

Албатта, ўтган йиллар тажрибасини инобатга олган ҳолда, биз 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном беришимиз муносабати билан маҳсус давлат дастурини тайёрлашимиз ва унинг ижросини таъминлашимиз зарур.

Бу дастурни ишлаб чиқишида манфаатдор идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутахассислар, қискача айтганда, кенг жамоатчилигимиз жалб қилиниши табиий, албатта.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу дастур ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар қаторида энг муҳим масалалар ва вазифалар ҳакида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқукий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиласиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга кўйган максадларга жавоб берадиган янги ҳуқукий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Табиийки, соғлом авлод деганда, барчамиз, биринчи навбатда, соғлом наслни тушунамиз. Шу борада ўтган йиллар давомида «Соғлом она – соғлом

---

бала» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жихозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғурухоналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш максадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз хабардормиз.

Бу ишларни эътироф этган холда, турли хил сабаблар туфайли инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, медицина хизматининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳага посbon бўлган шифокорларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича бугун олдимизда янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини хам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Ана шундай кенг камровли вазифаларни ҳисобга олиб, биз 2010 йилда давлат бюджетида соғликни саклаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни, бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда факат таълим-тарбия ва соғликни саклаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

---

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник баздан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш дикқатимиз марказида бўлиши даркор.

Такрор айтишга тўғри келади – таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши

---

учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чукур англаб олишимиз лозим.

Қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошлаган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юкори малақали спорт устозлари ва мураббийлар билан тъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак.

Айни пайтда касб-хунар колледжлари ва олий ўкув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор**.

Бу борада шуни эътиборга олишимиз керакки, ҳозирги вактда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур кила олмаймиз.

Нега деганда, меҳнат фаолиятининг айнан шу йўналиши бугунги кунда аҳолимизнинг катта қисми учун нафакат асосий даромад манбаи, бал-

---

**ки дунёнинг барча ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.**

Шундай ўта муҳим омилларни инобатга олган ҳолда, қабул қилинадиган дастурда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳали-бери мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда бу соҳага ёшларни жалб этиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласи катта ўрин эгаллаши зарурлигини ҳаммамиз, биринчи навбатда, маҳаллий раҳбарлар яхши англаб олишимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага дикқатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳакида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳакида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тарақкий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимиизда ривожлантириш максадида Фанлар академияси ва олий ўқув юрт-

---

лари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак.

Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида кўришни бугун замоннинг ўзи талаб килмоқда.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жихоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида **алоҳида фонд** тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан **таъминлаш эзгу орзу-ниятларимизга жавоб берадиган бир иш бўлур эди.**

Ўйлайманки, бу фикрни мана шу залда ўтирганлар қўллаб-куватлайди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оиласа алоҳида эътибор бериш ва уни хар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз зарур.

Халқимизда «Қуш ўз уясида кўрганини қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чукур маъномазмун бор.

---

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш, аввало, оила бағрида, оиланинг соғлом иклими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чукур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

**Бундан холоса шуки, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятилиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор.**

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб колмоқда.

Айникса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини карор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган

---

ҳар хил заарли таъсирлардан, «оммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда, албатта, ўз ифодасини топиши зарур.

**Азиз ва муҳтарам ватандошларим!**

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу хақикатни ўз вактида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Буни чукур англаб олган давлат, бундай хулосанни чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тарақкий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат килаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унибўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг мукаддас максад, деб билади.

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютукларимизни ва баркарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаёт-

---

ган экан, бунинг боиси нимада, деган табий савол туғилади.

Бунинг боиси – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари накадар чукур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидадир.

Бунинг боиси – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, иншоолло.

Шу юксак минбардан туриб, мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга яна бир бор чукур ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул қилинганинг  
17 йиллигига бағишланган тантанали  
маросимдаги маъруза, 2009 йил 5 декабрь

---

## **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ**

**Муҳтарам ватандошлар!**

Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар,  
азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига санокли дакиқалар  
колган мана шу файзли ва шукухли дамларда сиз-  
ларни қизғин муборакбод этишдан, барчангизга  
самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу ти-  
лакларимни изҳор килишдан баҳтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда  
байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб  
ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда ои-  
лаларингизга шоду хуррамлик, сихат-саломатлик,  
баҳту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю  
ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг  
ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан ти-  
лайман.

**Ҳурматли дўстлар!**

Якунига етиб бораётган 2009 йилни кузатар  
эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан  
кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва му-  
аммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эсла-  
шимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлака-

---

тимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бутун жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иктисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида ғоят мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан – бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги харакатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислоҳотлар ва мамлакатимизни янгилаш сиёсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараккиёт йўлининг, инқирозга карши ўз вактида кўрган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

---

Бу йил об-ҳавонинг ғоят нокулай келиб, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошка кўплаб қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардормиз.

Факат кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган дехкон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилаётган доимий катта эътибор хисобидан барча қийинчиликларни енгиб, ғалла, пахта ва бошка қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта ғалабаларимиз қаторига киради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтиб бораётган йилга юртимида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берганимиз ва шу муносабат билан маҳсус давлат дастурини амалга оширганимиз қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби ғоят муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмокли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва кўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар хисобидан шу

---

йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб туриди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ таракқиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан харажатларимиз мамлакатимиз миқёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида – бу саноат ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими – бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳаки, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳаки, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, хеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига, албатта, янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг

---

илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иктисадий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганидадир.

Энг муҳими, ҳалқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз кўлга киритаётган мэрраларнинг ҳалқилувчи омили ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Куни кеча Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яккол тасдиклаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, ҳалқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунига, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намоён этди.

**Мухтарам ватандошлар!**

Кириб келаётган янги – 2010 йилга мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий ва мантикий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ мақсадимиз бўлмиш келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда килиб айтганда,

---

тараққий топган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қиласи. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидойилик билан, астойдил меҳнат қилишга ундейди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш, кўп жихатдан, бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суюнчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас отоналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини тъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугун биз тузажётган ва қабул қилаётган узок муддатли дастурларимиз айнан мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва муддаоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яккаю ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

---

Айни шу мақсадга қаратилған, узок ва давомли келажагимизни күзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чыкаш тармокларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, ахолимизни ижтимоий ҳимоялаш ва құллабкуватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал харажаттар ташкил этиши, факатгина соғлиқни саклаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдигидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилған бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп демакдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди.

**Азиз дўстларим, қадрдонларим!**

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

---

**Янги – 2010 йилнинг қадами қутлуг ва хосиятли келсин!**

**Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!**

**Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сакласин!**

**Янги йил барчамизга муборак бўлсин!**

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **ВАТАНГА ҚАСАМЁД, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАДХИЯСИ**

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ҳурматли Ватан ҳимоячилари!

Мухтарам фахрийлар!

Шу кунларда халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз ҳаётидаги энг кадрли, энг кутлуғ байрамлар қаторидан үрин олган Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонламокда.

Шу муносабат билан халқимиз ўз ҳаётини Ватан ҳимоясига, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлашга бағишилаган, эл-юрги тинчлиги ва осойишталигининг посбони бўлмиш жасур ўғлонларига ўзининг чукур хурмати ва самимий меҳр-муҳаббатини яна ва яна изхор этмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугун Ватанимизнинг мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш, аҳолимизнинг тинч ва осуда ҳаётига карши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишда – бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни адо этишда миллий Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган ҳиссаси ҳақида кўп гапириш мумкин.

---

Ҳақиқатан хам, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлган, бир сўз билан айтгандা, ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир бўлган армияни барпо этганимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

Шу борада амалга оширган улкан ишларимизни тан олган ҳолда, бугун замоннинг ўзи олдимизга қўяётган талабларни инобатга олиб, Қуроли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва ҳаракатчанлигини кучайтириш, уни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбийларимизнинг профессионал малакаси ва тайёргарлигини ошириш, уларни ва уларнинг оила аъзоларининг социал эҳтиёжларини муносиб кондириш, ҳарбий хизматни амалда шон-шараф ишига айлантириш, муҳтасар айтганда, армиямизнинг киёфасини тубдан ўзгартириш, албатта, биздан ҳали катта эътибор ва куч-имкониятларни сафарбар этишни талаб килади.

Мана шундай ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ва доимий эътиборимизда туриши шарт бўлган вазифаларимиз қаторида мен бир масалага алоҳида урғу бериб, унинг аҳамияти ва маъноси ҳақида тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан.

---

Ўйлайманки, бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вакти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-рухий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётй позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чукур англаши ва тушуниши демакдир.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, «Билаги зўр – бирни йикар, билими зўр, онги баланд – мингни».

Шу буюк ҳикматга таянган холда, она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Куролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суюнчи, энг катта бойлиги десак, хеч кандай хато бўлмайди.

Чиндан ҳам, ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садокати билан ҳакикий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим, деб биламан ва улар учун бутун борлиғимни беришга тайёрман.

Бугун биз Ватан ҳимоячилари байрами арафасида ҳам тарихий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий нуктаи назардан катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир воқеа – яъни, Куролли Кучларимиз шарафига

---

бунёд этилган муҳташам ҳайкалнинг очилиш маросимига тўпланиб турибмиз.

Айтиш керакки, ёш авлодимизни миллий ғоя руҳида, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қиласиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс, албатта.

Лекин, шуни очик тан олишимиз даркор, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбийларимиз, аввало, армия сафида машакқатли синов ва тарбия мактабини ўтаётган ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтирадиган ва руҳан тоблантирадиган бундай тимсолларни яратиш масаласига етарлича эътибор бермаяпмиз.

Агарки бугун кўз ўнгимизда қад ростлаган мана шу муazzам монументни узок йиллар унинг ўрнида турган, эски тизим мафкурасини ифода этадиган, қиёфаси совук ҳайкал билан қиёслайдиган бўлсак, ўйлайманки, ортиқча гапиришга ҳожат қолмайди.

Бугун очилаётган, чукур ички маънога эга, кўзимизга қадрдон бўлиб кўринадиган бу салобатли ҳайкалнинг сиймосига назар ташлар эканмиз, аввало, эл-юртимизнинг содик фарзанди, ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ва мард тимсолини яққол кўришимиз, юрак-юракдан ҳис қилишимиз табиийдир.

Маълумки, ориятни, ғуур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун

---

ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, ахду паймон қилиш маросимиdir.

Эътибор берсангиз, бу муҳташам бадиий мажмуада тасвирланган халқимизнинг муносаб ўғлони давлатимизнинг бетакор тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар кариҷ тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда.

Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган муnis ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиха бериб, унга оқ йўл тиламоқда.

Ушбу ҳайкал сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган мингминглаб азму шижаатли ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топгани айникса эътиборлиdir.

Бу баҳодир эр йигитнинг қадди-комати, мардана қиёфасига қараб, фарзандларимизнинг юрагида, қалбида «Мен ҳам шу жасур акам сингари ҳарбий бўламан, ўз уйимни, ўз юртимни, ота-онам,

---

ўз кадрдонларимни ҳимоя қиласан» деган қатъий қарор пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Ишончим комилки, мана шундай ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу муҳташам ҳайкал шу юртда унибўсган, унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаётган ҳар қайси инсонни албатта бефарқ колдирмайди.

Бу бетакор мажмуани бир кўрган одам, ўйлайманки, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални, авваламбор, Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга кўйилган гўзал бадиий обида сифатида қабул қиласи.

Ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъномазмунни мужассам ва ифода этган бу муаззам ҳайкалга «Ватанга қасамёд» деб ном берсак, ўйлайманки, ҳар томонлама адолатли ва тўғри бўлади.

Бу мажмуанинг ғояси ҳакида, айнан мана шу тимсолни танлаб олганимизнинг сабаби ҳакида кўп гапириш мумкин. Шахсан мен ушбу бадиий мажмуани ҳаёлимдан ўтказар эканман, ўзимни бамисоли Ватанимга, эл-юртимга қасамёд қилаётгандек ҳис қилдим. Ўйлайманки, бугун мана шу майдонда турган ва эртага бу ерга зиёратга келадиган барча инсонлар ҳам шундай фикр, шундай ҳаёл билан бу ҳайкал пойида тиз чўкиб таъзим қиласи.

---

Бу ҳайкал азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бетакрор бадиий тимсол сифатида абадий сакланиб қолади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бу улуғвор мажмуани бунёд этган ҳайкалтарош ва ижод ахлига, мана шу майдонни ҳар томонлама обод қилишга муносиб ҳисса қўшган қурувчи ва мутахассисларга, барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Барчангизга сихат-саломатлик, баҳту саодат, янги йилда янги омадлар тилайман.

*Тошкент шаҳрида барпо этилган  
«Ватанга қасамёд» ҳайкалгининг очилишига  
багишланган тантанали маросимдаги сўз,  
2010 йил 12 январь*

---

## **ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Қадрли Ватан ҳимоячилари – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган олийжаноб ишга ўзини бағишилаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз хаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнунийт бағишилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустакиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

---

Ушбу дастурга мувофик, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошка вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Куролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Куролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал жиҳатдан мутлако янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошкарув ва тузилмаларнинг бирбирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу, ўз навбатида, мазкур бошкарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб кирадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига қарши қатъий зарба беришга кодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошка замонавий жанговар бўлинмалар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг

---

жорий этилгани армиямизнинг киёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий мухитни принципиал жиҳатдан тубдан ўзгартириди.

Шу йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ турлари билан қуроллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга мамлакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аник мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолар эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги то-

---

бора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлик тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Куролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя килиш ва қўриклиш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Куролли Кучларимиз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш масаласи биздан Ватанимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш билан боғлик бўлган ва тобора кучайиб бораётган ана шундай талабларни ҳисобга олган ҳолда, армиямизни модернизация ва ислоҳ килиш, унинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган стратегия ҳамда устувор йўналишларни бажариш юзасидан бошлаган ишларимизни янада чукурлаштиришни тақозо этади.

Шу мақсадда куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисблайман:

**Биринчи.** Куролли Кучларимиз қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, уларнинг юз бериши мумкин бўлган турли таҳдид ва хавф-хатарларни, чегараларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинчосойишта меҳнати ва ҳаётини бузишга қаратилган

---

ҳар қандай ёвуз уринишларни ўз вактида ва самарали бартараф этиш қобилиятини таъминлаш даркор.

**Иккинчи.** Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларини энг янги курол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш мухим принципиал аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан хорижий ҳамкор давлатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ва кўламини кенгайтириш, 2010–2015 йилларга мўлжалланган комплекс чоратадбирлар дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш зарур.

Қўшинларнинг взвод-батальондан тортиб ҳарбий округларгача бўлган юксак даражадаги жанговар қобилиятини таъминлашга қаратилган ўқув-жанговар тайёргарлик ишларини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактикаси ва усуллари мунтазам равишда ўзгариб, энг янги курол-яроғ ва ҳарбий техника тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда шахсий таркибининг индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий малакани эгаллаши бўйича принципиал жихатдан янги дастурларни жадал ишлаб чикиш ва жорий этишни, қўмондонлик-штаб

---

ва тезкор-тактик ўқув машқлари ўтказишни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий санъатни ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш – бугунги кунда бу талаб армиямизни модернизация килиш борасидаги барча ишларимизнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб колмоқда.

**Учинчи.** Ҳарбий бошқарув тизимини такомиллаштириш, эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос шароитида бутун мудофаа тизимида барча кўшин турларига карашли қисм ва бўлинмалар, вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари фаолиятини ўзаро мувофикалаштириш, уларнинг аниқ ва бир ёқадан бош чиқарив ҳаракат қилишини таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чукурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Армиямизнинг давлат чегараларимизни ишончли кўриклашга қодир бўлган, мамлакат мудофаа тизимидағи заиф нукталарни ўз вақтида аниклаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлайдиган, ҳар томонлама пухта ташкил этилган механизм, бир сўз билан айтганда, барча таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган ягона жанговар комплекс сифатида тўлаконли фаолият юритишига эришиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тўртинчи.** Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жихатдан етук, стратегик

---

фикrlай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга, уларда соғлом ахлоқий-руҳий вазиятни саклашга кодир профессионал сержантларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари, қўшинларни бошқариш методлари, жанговар операцияларни амалга оширишнинг тактик усуллари, жанговар тайёргарлик ва тарбиявий ишлар дастурларини тажриба ва синовдан ўтказишда асосий база вазифасини бажарадиган ҳарбий билим юртлари Қуролли Кучларимизнинг етакчи, бош ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор.

Шу мақсадда ҳарбий таълим муассасаларини зарур ҳарбий техника ва тренажёрлар билан жиҳозлашга, ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, моделлаштириш ва симуляция усулларидан фойдаланиш масалаларига ўта жиддий эътибор қаратиш зарур.

**Бешинчи.** Юртимизда 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши армиямизнинг ўзагини ташкил этадиган ёш офицерлар, сержантлар ва аскарлар ўртасида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз Қуролли Кучларининг қўмондонлик ва бошликлар

---

таркиби зиммасига янги, янада масъулиятли вазифалар юклайди.

Шу муносабат билан аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматни ўташ ва яаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни куриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қулайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Куролли Кучларимизнинг олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, бутун қўмондонлик таркибидан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил этилганининг 18 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директивасида белгилаб берилган қоида ва кўрсатмаларни сўзсиз бажаришни талаб қиласди.

**Азиз дўстлар!**

Бугунги кутлуг байрам кунида Куролли Кучларимиз сафларида хизматни муносаб тарзда ўтаётган ва захирадаги ҳарбийларга, барча Ватан ҳимоячиларига мурожаат қиласди эканман, армиямиз Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мусаффо осмони-

---

мизнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга қодир,  
деб қатъий ишонч билдираман.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари куни  
билин чин қалбимдан табриклайман!

Барчангизга сихат-саломатлик, баҳт ва омад,  
хонадонларингизга файзу барака тилайман!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони*

---

## **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ – УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР**

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар!

Хурматли сенаторлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни бўлиб ўтган сайловларда эришган муносиб ғалабангиз билан, Сизларга сайловчилар, мамлакатимиз ахолиси томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан табриклаб, Сиз, халқ вакилларига ўзимнинг чукур хурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

Аминманки, ҳакли равишда Сизларга кўрсатилган бу ишонч – биринчи навбатда барчангизнинг шахсиятингизга, билим, тажрибангиз, фидокорона меҳнатингизга, энг аввало, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва равнаки, эл-юртимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангизга халқимиз томонидан билдирилган хурмат ифодасидир.

Айни вактда бу ишонч умумхалқ сайловларида сизлар вакили бўлиб иштирок этган сиёсий партияга, ижтимоий ҳаракатга билдирилган ишонч белгисидир.

---

Шу борада, ўйлайманки, шу залда ўтирган барча депутатлар яхши англамокда, буларни, яъни, халқимиз томонидан билдирилган катта умидни, ҳар қайсингиз ўзингизнинг ҳалол амалий меҳнатингиз билан оқлашингиз зарур бўлган аванс – насия, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир ўта муҳим ҳолатга жалб этмокчиман. Сизларнинг обрўйингиз – бу Конунчилик палатаси ва Сенатнинг обрўси, республикамиз парламентининг обрўси, моҳият эътиборига кўра, мамлакатимизнинг обрўси эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим.

**Хурматли дўстлар!**

Бугун Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисида 2009 йил 27 декабрь куни Конунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳакида ва шунингдек, 2010 йилнинг 10 январь куни ана шу идораларга ўtkazilgan takroriy сайловлар хусусида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу сайловлар ҳакида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга бўлган тузилмалар кузатувчилари ва жамоатчилигимиз томонидан, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий

---

ташкилот ва кузатувчилар томонидан ҳам атроф-  
лича, етарли ва холис баҳолар берилди.

Барча-барча берилган баҳо ва тафсилотларда, аввало, сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Бу, ўз навбатида, жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар кўйганини яна бир бор тасдиқлади.

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан – иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларининг ўзи – ушбу сайловларимиз накадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг кўллаб-куватлаётганини намойиш этди.

---

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янги-ланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Энг муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатан ҳам, ҳеч кандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини такрор ва такрор таъкидлашни ўринли деб биламан.

Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вактида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилган эдик.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чукур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилганидан ҳам хабардорсиз.

Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вактида қабул қилинган

---

ана шу қарорларнинг накадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди.

Айнан ана шу хусусият – яъни, сиёсий партияларнинг ҳал килувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янгишмаган бўламан.

Ўйлайманки, ўтган сайловларнинг айни шундай аломатлари мамлакатимиз парламент тизимиning самарадорлигини оширишга, албатта, сезиларли таъсир ўтказади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёруғ келажагимизни қуриш йўлида мамлакатимиз бу мураккаб сиёсий имтихондан муваффақиятли ўтгани учун барча фуқароларимизни яна бир бор табриклаб, бутун халқимизга чуқур миннатдорлигимни ва ҳурматимни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

**Муҳтарам мажлис иштирокчилари!**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янгитдан сайланган таркибининг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўтишдан олдин Олий Мажлиснинг ўз ваколатларини тугатган ҳар иккала палатаси аъзоларига, уларнинг сидқидилдан қилган меҳнати, Ватанимиз кудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

---

Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига – мамлакатимизда чукур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд конунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиласар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, конунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиласидиган қўйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффакиятли ҳал килинди.

Қабул қилинаётган конун хужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умум-

---

давлат ва миңтакавий манфаатлар ўртасидаги мұтаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий конунчилік органды, жойлардаги ҳокимият вакиллік органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.

Конунчилік палатасыда биринчи марта парламентдеги күпчилик – Тадбиркорлар ва ишбилар мөнлар харакаты – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вактда Ўзбекистон Халк демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдеги мухолифат ташкил топди.

Олий Мажлиснинг конун ижодкорлығы фаолиятида мамлакатимизда іктисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, кулай инвестицион мұхитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-хукукий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Бу даврда хусусий мулкни ҳукукий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда хар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик харакатини мустахкам-

---

лаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармокли бозор инфратузилмасини барпо этишини кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориши, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффакиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошка бир қатор тадбирлар 2009–2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқукий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Бу хulosаларни тасдиқлайдиган ракамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу

---

жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-хуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофик, суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотлар яна-да чуқурлаштирилди.

Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-хуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошка бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шу-

---

нингдек, фуқароларни камоққа олишга санкция бериш ҳукуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан кизиқиши ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустакил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаолигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун хужжати қабул қилинди.

2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

---

Бу хужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич тъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қўшма қарорга биноан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими яратилиди.

### **Ҳурматли мажлис қатнашчилари!**

Эришилган ютуқларни қайд этар эканмиз, шу билан бирга, аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуксонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида ҳам айтиб ўтишни зарур, деб биламан. Бугун, Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир пайтда бу, айниқса, муҳимдир.

**Биринчидан**, шуни тан олиш керакки, Конунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўл-

---

ган, узок истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигига кўринади.

Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

**Иккинчидан**, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқища ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

**Учинчидан**, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Улар-

---

нинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характеристига, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас.

Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ киладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим.

Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини тъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигига кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳукуқий нигилизмга, яъни ҳар қандай ҳукуқий норманинг инкор қилинишига, ҳукукни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

**Тўртинчидан**, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳукукни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда.

Кўйи палата фаолият юритган бутун давр мобайнида атиги бир нечта, хусусан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш,

---

кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилганини, албатта, етарли, деб бўлмайди.

**Бешинчидан**, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади.

Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисолни келтириш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонидан 2008 йилнинг май ойига келиб, яъни парламент фаолиятининг тўртинчи йилидагина ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Афсуски, депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, асосан, шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, таҳлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпинча номигагина ўт-

---

казилиб, факат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган.

**Олтинчидан**, қуи ва юкори палаталар амалий фаолиятининг айниқса дастлабки даврида аксари-ят ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбициялари-ни намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муваммолар ҳам кузатилди, бундай зиддиятлар конун хужжатларини қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистондаги олий конун чиқарувчи орган бўлмиш Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган конун ижодкорлиги жараёнининг мустакил ва муқаррар таркибий кисми бўлган ҳар қайси палата фаолиятини таъминлаш жараёни қийинчилик билан йўлга қўйилди.

Албатта, ҳар қайси палата томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифа ва ваколатларни адо этиш асносида уларнинг ўртасида турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар вужудга келиши ҳар томонлама табиий ва қонуний ҳолдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сенат, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга эмаслигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сенат – бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик кисми ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий конун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари

---

ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, бу қонунларни ўzlари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтани назаридан кўриб чиқишлари тўлик қонуний асосга эгадир.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилиган вазиятда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмуни бўйича қуи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозараларни биз демократик парламент ишининг табиий ва соғлом шакли сифатида кўришимиз даркор.

**Ҳурматли депутат ва сенаторлар!**

Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида, танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаслигини яққол англаб, тушуниб олишимиз керак.

Айниқса, янгитдан сайланган парламент сифат жиҳатидан янгича сиёсий, ижтимоий-иктисодий

---

**шароитда** фаолият юритиши зарурлиги барчамизга **аниқ-равшан** аён бўлиши лозим.

**Бугунги** кунда давлат ва жамият қурилиши **соҳасида** мамлакатимиз олдида ўзининг микёси ва **камровига** кўра улкан вазифалар турибди.

**Жаҳон** молиявий-иктисодий инкирози ҳали-**бери** давом этаётган оғир бир шароитда икти-**содиётимизнинг** янада баркарор ривожланиши-**ни тъминлаш**, уни диверсификация ва модер-**низация** қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта **жихозлаш** борасидаги ишларни изчил давом **эттиришимиз** зарур.

**Минтақамизда** ва бутун дунёда юзага кела-**ётган** мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг **зиммамизда** мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва **баркарорлигини** тъминлаш, шу муқаддас зами-**нимизда** ҳукм суроётган тинч-осойишта ҳётни **сақлаш** каби бири-биридан масъулиятли ва кенг **кўламли** бир қатор вазифалар борки, юртимиз-**нинг**, **жондан** азиз фарзандларимизнинг бугунги **ва эртанги** куни ана шу масалаларни қанчалик **муваффакият** билан ҳал этишимизга боғликдир.

**Мана**, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан **буён** давом этаётган куролли можаронинг ҳали-**бери охири** кўринмаяпти. Халқимизда «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. **Қўшни** мамлакат ҳудудида мана шундай кескин-**лик сақланиб** турар экан, албатта, минтақамизда

---

тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сакланиб қолаверади.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан мухим амалий ташабbusларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулокот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гурухга Афғонистон билан кўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда.

Аввало, маҳаллий ҳалқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим.

---

Энг мухими, афғон халқининг миллий урфодатлари ва маданиятини, диний қадриятларини хурмат қилиш зарур. Бошқача айтганда, аввало халқни хурмат қилиш, кейин унга акл ўргатиш керак.

Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро анжумандаги шундай ёндашув асосида умумий бир қарор кабул қилиниши ҳакида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фактат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий холосаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитидаги Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваламбор, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда.

---

Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг курувчи ва муҳтажислари томонидан «Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида масъулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

### Азиз дўстлар!

Юкорида зикр этилган масалаларнинг барчаси парламентимиздан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса, авваламбор, улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни талаб этади.

Қонунчилик ва норматив-хуқуқий базадаги камчилик ва нуксонларга имкон қадар тезрок барҳам бериш, хуқуқни кўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, хуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида факат ва факат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор.

---

Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳукукий давлатни шакллантиришда накадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг хожати йўқ.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга якқол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффакиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа, авваламбор, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатdir.

Ўйлайманки, Конунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам олдимиизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараённида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинади ва охиригача пухта ишлаб чиқилади.

Менинг чукур ишончим бўйича, энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қўйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

**Биринчи. Мана шу юксак минбардан туриб қатъий таъкидлашни истардим: агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жара-**

---

**ёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-хуқук тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аник ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак мэрраларимизга эриша олмаймиз.**

Шу борада Конституциямиз муҳрлаб қўйган давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя килган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши керак.

Бу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда кўп партиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида ракобат асосидаги курашнинг кучайшига шароит туғдириб бериш алоҳида ўрин тутади.

Биз ўз олдимизга қўяётган бу вазифанинг туб моҳияти шундаки, у партиялар ўртасидаги сайлов-олди кураши, Олий Мажлисимизнинг янги таркибини шакллантириш пайтида бўлиб ўтган ғоя ва дастурлар кураши парламентнинг кундалик фаолиятида ҳам давом этишини ва янада чуқурлашиб боришини назарда тутади.

Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус

---

олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш оркали эришиши лозим.

Ишончим комилки, Конунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари хаётга муваффакиятли татбик этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустажкам бўлади.

Буларнинг барчаси, хеч шубҳасиз, қабул килинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз беравтган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иктисодий муаммоларни янада чукуррок ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун дикқат-эътиборини қаратиши керак.

Бу ҳакда гапирганда, «мамлакат раҳбариятининг ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлини сиёсий қўллаб-қувватлаймиз» деган умумий гаплардан амалий фаолиятга

---

ўтиш, чукур ўйланган, шу жумладан, **муқобил**, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия **ёки** ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини **ўзида** мужассам этадиган дастурларни тақдим **этган** ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини **тъкидлаш** лозим.

Бунда жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий **са-**марасини оширишга халақит берәётган **жиддий** камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни **очик**, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, **ўз хиз-**мат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни улдалай олмаётган давлат органлари, **хўжалик** бошқаруви, назорат ва ҳукуқни муҳофаза **қилиш** тизимларининг раҳбарларини асосли **танқид** **ки-**лиш мухим аҳамият касб этади.

Албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф **этталган** сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, **пар-**тиявий нашрларни партиялараро қизғин **бахс-**мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

**Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик ор-**ганлари – Кенгашлар олдида турган **инкин-**чи **ғоят мухим вазифа** – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, **яъни** ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажариласт-**гани** устидан қатъий парламент назоратини,

---

**депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.**

Шуни очиқ тан олиш керак, Конунчилик палатаси ва Сенатда, афсуски, бу борадаги ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилган. Конунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва қўмиталар, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва хисоботлари камданкам эшитилади ва муҳокама қилинади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентда бундай хисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аник белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва хужжат кабул қилинмаган.

Келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳукукий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун хужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича хисоботла-

---

рини эшитиб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши даркор.

Шу билан бирга, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарила-ётгани бўйича ҳисботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур.

Хусусан, парламент назоратини амалга ошириш жараёнида давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асоссиз аралашуви ни камайтириш чораларига алоҳида аҳамият картиш керак.

2009–2012 йилларга мўлжалланган Инкиrozga қарши чоралар дастурини, унда кўзда тутилган ижтимоий-иктисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларидан кенг фойдаланиш лозим.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича асосланган изоҳ ва ҳар томонлама тушунтириш бериш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

---

Бу вазифанинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши керак.

Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффакиятли ҳал этиш, кўп жиҳатдан, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир.

Бу борада партияларнинг матбуот нашрлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, афсуски, бундай нашрлар ҳали-бери заиф бўлиб, содда қилиб айтганда, «тиш-тирноксиз» бўлиб қолаётганини қайд этиш лозим.

**Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.**

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбик этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга кўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун хаётнинг ўзи кун тартибига тобора катъий қилиб кўймокда.

---

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-худудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйгун равища интеграциялашувини англатади.

Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор.

Шу максадда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гурӯхлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иктисодий таракқиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Токи, бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатlam ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносабат ўрин эгаллай олсин.

**Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон**

---

**Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.**

Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга кадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим.

Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аник англаб олишимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади.

**Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизими-даги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур.**

---

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Маҳалланинг аҳолимиз, айникса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини саклаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормокда.

Шу муносабат билан маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласиб бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишида маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган иш-

---

лардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш максадида давлат органларининг фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Маҳалланинг фукароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фукаролар йигини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

**Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фукаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фукаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор.**

---

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолрок ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳукуки ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишининг норматив-ҳукукий базасини такомиллаштиришни таъминлаш мухим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга каратилган норматив-ҳукукий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди.

---

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлаш газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутади.

**Қадрли ватандошлар!**

Бўлиб ўтган сайловларда ҳалқимиз, аввали, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий ҳаётимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тинчликсевар ташқи сиёsat олиб бориш учун овоз берди.

Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислоҳотлар тақдири учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончни оклаш барчамиз учун ҳам карз, ҳам фарзdir.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, депутатлик ва сенаторлик фаолиятингизда куч-куват ва омад, хонадонларингизга баҳту саодат ва фаровонлик тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшима мажлиси  
сидаги маъруза,  
2010 йил 27 январь*

---

## **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР**

**Хурматли мажлис иштирокчилари!**

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иктисодий инқирози чукур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, аввало, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини холисона баҳолаш муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Нега деганда, 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил хуласаларига таянишимиз мумкин бўлади.

Ўтган йил якунлари ҳақида гапирганда, 2009 йил биз учун ҳақиқатан ҳам ғоят кийин бўлганини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан

---

бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимиға ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Шуни бугун катта мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, хукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига камраб олган, ўз вактида қабул қилинган ҳужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоклари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашга қаратилган чоратадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз.

Амалга оширган тадбирларимиз қаторида **молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.**

**Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умуний капитали 2 баробар кўпайди. Биргина**

---

**ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.**

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айни пайтда у белгилangan қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпdir.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизими-ning 90 фоиздан ортигини ташкил қиласидиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффак бўлди.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақмларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вактида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий маж-

---

буриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Факат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошиди. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди.

Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташки қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараккиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташки қарзлар аксарият холларда узок муддатга, факат иқтисодиётнинг стратегик тармокларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига

---

йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

**Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.**

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни колдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Ҳисобот даврида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзкурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ҳамда тармоқларда 20–25 фоизга камайди.

---

Маълумки, паст рентабелли ва иқтисодий но-  
чор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат  
банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар кор-  
хоналарнинг молиявий баркарорлигини ошириш-  
да муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни  
ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб  
эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси  
янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат  
банклари балансига ўтказилди.

**Бугунги кунда тижорат банклари баланси-  
га ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхо-  
нада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб,  
истикболли сармоядорларга сотилди, қолган-  
ларида молиявий соғломлаштириш ишлари  
олиб борилмокда.**

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакати-  
миз иқтисодиётини ортиқча юқдан халос қилиш,  
бюджет ва иш ҳаки бўйича умумий миқдори 1  
триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, бан-  
крот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги тур-  
даги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш,  
қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яра-  
тиш имконини берди.

Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳал-  
лийлаштириш дастури доирасида ўтган йили  
840 дан ортиқ лойиха амалга оширилди ва бу  
маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш

---

хажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади.

Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

**Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар мухим аҳамиятга эга бўлди.**

Бундай корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташки бозорларда ракобатдошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий чоралар кўрилди.

Энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, қўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини кисқартириш ва бошқа рағбатлантириш чоралари шулар жумласидандир.

---

Республикамиз банклари томонидан кўрсатилган ёрдам маҳсулот экспорт киладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу корхоналарга айланма маблағларини кўпайтириш учун умумий микдори 233 миллиард сўмдан иборат имтиёзли кредитлар берилгани уларга, ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича юзага келган вактинчалик қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чикаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт киладиган корхоналарни қўллаб-куватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришдик.

Бу ўтган йили ташки савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди. Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.

**Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз – солик юкини енгиллаштириш, соликқа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-куватлаш мақсадида кўшимча чоралар кўрилганидир.**

---

Ўтган йили мамлакатимиз хўжалик субъектларига кенг кўламли қўшимча солик ва божхона имтиёзлари берилди.

Енгил ва озик-овкат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солик тўлови бўйича имтиёзлар яратилди.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги соликлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга соликка тортилмайдиган бўлди.

Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солик имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфифа колдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жихозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини хал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлиги-

---

ни оширишда тобора мухим ўрин тутаётган **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилди.**

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармокда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-куватланаётгани самарасидир.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солик тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солик миқдори ўртacha 1,3 баробар камайтирилди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш киймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш киймати эса 2 баробарга пасайтирилди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва улар-

---

нинг фаолият турига қараб З баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди.

Ушбу секторга ажратилган кредит ресурслари-нинг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди.

**Инкиrozга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.**

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармок дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди.

Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш обьекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та обьект фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили «Фарғонаазот» ва «Максам – Чирчик» корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Намангандаги шахрида енгил автомобиллар учун фара ва чироклар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шахрида «ДЭУ текс-

---

тиль» түқимачилик комплекси курилиши каби стратегик лойихалар ниҳоясига етказилди.

«Газли» қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, шунингдек, «Кўнғирот» компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди.

Туркманистандан Ўзбекистон ҳудуди оркали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари якунланди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармокларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки. бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган «Янги Ангрен – Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линияси. Қамчиқ довони оркали ўтадиган 165 километрик «Оҳангарон – Пунгон» магистраль газ қувури, «Ғузор – Сурхон» юкори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойихаларини амалга ошириш натижасида **мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари, асосан, якунланди**.

**Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунинг-**

---

**дек, электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.**

Юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чикишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлди.

Ўтган йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Йўл-курилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умуний қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди.

Мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. «Тошгузар – Бойсун – Кумқўрғон» янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

«Навоий – Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разъезди ишга

---

туширилди. Темир йўлларни электрлаштириш, темир йўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустрисал-иктисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Ўтган йил мобайнида «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Ангрен шаҳрида мамлакатимиз худудлари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида кафолатли транспорт алокасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди.

**Коммуникация тизимларини ривожлантириш ҳақида гапирганда**, юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор.

---

Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникиси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиъль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу йўналишда 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замонавий технологиилар базасида «Тошкент – Бухоро» магистраль алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди.

Шу билан бирга, «Андижон – Ўш», «Қўнғирот – Бейнов», «Денов – Турсунзода» ва «Термиз – Ҳайратон» йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

**Яна бир устувор йўналиш – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди.** Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғорила-диган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини,

---

фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

**2009 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлди.**

**Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда жами 2,5 миллиард доллар микдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 27,8 фоизини ташкил этади.**

**Азиз дўстлар!**

Ўтган йили мамлакатимиз хаётида ҳакиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда.

---

**2009 йилда Инкиrozга карши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар са-марадорлиги ҳакида гапирганда, уларнинг, аввало, энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.**

Ўтган йили кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга якини кишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидағи касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бандлик даражасини оширишга каратилган бундай чора-тадбирлар инкиroz шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳаки, пенсия ва

---

нафакаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

**Азиз юртдошлар!**

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация килиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг баркарор суръатларини таъминлаш, ахолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, ахолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан

---

кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий кисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар оши.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдорда профицит билан бажарилди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир катор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёsat олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёsat мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

---

**Қадрли дўстлар!**

Мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига ўтишдан олдин нуфузли халқаро эксперталар ва иқтисодчиларнинг айrim умумий хulosалари, уларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида кискача тўхталиш жоиз, деб ҳисоблайман.

**Аввало**, шуни айтиш керакки, уларнинг тахлил ва хulosаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

2009 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши тахминан 1 фоизга кискарган бўлса, жорий йилда дунёда иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши мумкин, бу эса инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан анча пастдир.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, ишсизлик дарражасининг ўсиши кутилмоқда ва бу аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

**Иккинчидан.** Халқаро бозорнинг ривожланишидаги бекарорлик, кўплаб мамлакатларда товарларга ички талабнинг пасайиши давом этаётгани иқтисодиётнинг реал сектори суръатларининг из-

---

чил ўсиши учун мустаҳкам асос яратиш имконини бермаётганини таъкидлаш лозим.

Инқироз авжга чиқкан даврда давлатларнинг иқтисодиётга кенг миқёсда аралашуви, биринчи навбатда, банк-молия тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлашга, ипотека кредитлари соҳасидаги ўпирилишларни бартараф этишга қаратилиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига, ишлаб чиқаришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига кам эътибор берилгани вазиятга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Шу муносабат билан корхоналар ва компанияларнинг молиявий аҳволи заифлиги, уларнинг қарзлар ва банк кредитларини қайтаришга лаёкатсизлиги билан боғлик муаммолар жорий йилда иқтисодиётнинг реал секторига жиддий таъсир кўрсатади.

2010 йилда ва кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солик тушумларининг жиддий камайишига, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

---

**Учинчидан.** Бозорда истеъмол талабининг пасайиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало, пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини саклаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта микдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Бундай шароитда кучайиб бораётган инфляция даражасини жиловлаб туриш ниҳоятда мушкул вазифага айланишини тушуниш қийин эмас.

**Тўртинчидан.** Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал кийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

**Бешинчидан.** Иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

«Катта йигирмалик» деб ном олган давлатлар гуруҳининг йиғилишларида бундай номаъкул ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳакида кўплаб баёнот-

---

лар берилаётганига қарамай, эркин иқтисодиётга яққол тўсқинлик қилиб турган протекционизмдан яқин орада қутулиш қийин, деган таассурот пайдо бўлади.

**Олтинчидан.** Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашуви니 камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иктисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узок давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳолар ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иктисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Инқироздан чиқиш ва инқироздан кейин иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни узок давомли ва ўта мураккаб бўлиши мумкин.

**Хурматли мажлис қатнашчилари!**

2010 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг муҳим мақсади ва асосий устувор

---

**вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиктисодий мувозанатни таъминлашдан иборатdir.**

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожи, тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити бизга 2010 йилда қўйидаги режаларни белгилашга асос беради.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция кириши ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

2009 йилга нисбатан бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини, биринчи навбатда, ресурслар

---

ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада қатъийлаштириш мўлжалланмоқда. Инфляция даражаси 7–9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Олдимизга кўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни кай даражада сафарбар этишимизга, ҳамон катта хавфи сакланиб қолаётган инкиroz оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инкиrozга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажариши нечоғли таъминлай олишимизга боғлик.

Бу эса Вазирлар Маҳкамасидан ҳар бир алоҳида йўналиш учун масъул бўлган ижрочилар томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тармоқ комплекслари ва ҳудудлар бўйича амалга оширилишини қатъий ва тизимли равишда назорат қилишни тақозо этади.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozини ва унинг мамлакатимиз иктиносидиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, **банк-молия тизмининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда**.

Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иктиносидиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник

---

ва технологик янгилашга каратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.

Бу ўринда биз нафакат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.

Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, **улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.**

Тижорат банкларининг узок муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли З йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши лозим.

Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг

---

бўш маблағларини банкларнинг узок муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узок муддатли кредит қўйилмалари улушкини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узок муддатли кредит қўйилмалари улущининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узок муддатли кредитга эга бўлган Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўrnак бўлиши лозим.

Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий начор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.

Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор.

---

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш микдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси кўйилмокда.

**Мамлакатимизнинг ракобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланishi лозим.**

Шуни холисона тан олиш керакки, бу йўналишда кўп ишлар қилинди ва салмокли натижалар кўлга киритилди.

Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алока соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошди, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди.

Шу билан бирга, иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада баркарор, ўзига бақувват, жаҳон ва

---

минтакавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иктисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиқсан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефть-кимё, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармокларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш ҳақида сўз бормокда.

Шулар қаторида, биринчи навбатда, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Вазирлар Маҳкамаси кабул қилинган тармок дастурларини яна бир бор танқидий қайта кўриб чиқиши, уларга тузатишлар киритиш ва жадал

---

амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

Бу борада қуйидагиларни эътиборга олиш даркор:

**Биринчидан:** корхоналар ўртасида баркарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишини сифат жиҳатидан янги боскичга кўтариш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш хозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йили ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича хукумат қарорлари қабул қилинди, яхлит тизим яратилди, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишига масъул бўлган идоралар – Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг

---

фаолият йўналиши ва ваколатлари доираси аниқ белгилаб қўйилди.

Бу ишни мантикий якунига етказиш, шаклланган ёндашув ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни танқидий кўриб чиқиш ва бир ой муддатда 2010 йилга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурини тайёрлаш зарур.

2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

**Иккинчидан:** сўнгги йилларда иш ҳаки, пенсия, стипендия ва нафакалар микдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳаки 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача микдори карийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Жорий йилда ҳам иш ҳакини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг озик-овқат

---

маҳсулотлари таркибига кирмайдиган, узок фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид килиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди.

Бундай шароитда ахолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамаси шу масалага бағишлиланган ўз мажлисида қабул қилинган дастурлар ижросини танқидий баҳолаши, уларни жадал амалга ошириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарларидан сифати юкори, нархи эса арzon бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўларок кондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

**Учинчидан:** аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоклар ташки конъюнктурага ҳам, об-хаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташки омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди.

Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бо-

---

зорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш зарур.

**Тўртинчидан:** нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солик тўлови ставкасини 7 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноконуний аралашув ва турли тўсиклар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириши шарт.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда.

---

**Бешинчидан:** экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Кейинги вактда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезрок кутилиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёsat юритиш зарур.

Биз 2010 йилда экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалалари билан жиддий шуғулланишимиз керак. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳар бир тармок бўйича 2010–2012 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича маҳсус дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Бу дастурларда барча зарур чораларни, жумладан, маркетинг, молия ва ташкилий-хукукий

---

кўллаб-куватлаш масалаларини назарда тутиш даркор.

Азиз дўстлар!

**Узок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.**

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қиласди. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтириллади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

---

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараккиёт фонди жуда катта хисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараккиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараккиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараккиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юкори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, иктисадиётимизнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, Сургил кони базасида полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этишга қаратилган йирик

---

лойиҳалар амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим, деб биламан.

Шу билан бирга, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртanneфтгаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блокларини кўмир ёқилғиси билан ишлаш тизимиға ўтказиш, автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Бу лойиҳаларнинг барчаси ўтган йили, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарамасдан, ка-бул қилинган 2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва техноло-гик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилган.

Ушбу дастурга умумий киймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар

---

билин ҳамкорликда Инвестиция дастури рўйхатига киритилган стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узқ муддатли техника сиёсати нуктаи назаридан ишлаб чиқилаётган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириши даркор.

2010 йилда автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигига янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад – Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси 2010–2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривож-

---

лантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини катъий назоратга олиши даркор.

Хозирги вактда темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. 2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

«Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилиш ишларини якунига етказиш, «Янгиер – Жиззах» ва «Янгиер – Фарҳод» электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш лозим.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор.

Жорий йилда Испаниядан иккита тезюарар поезд сотиб олиш ва «Тошкент – Самарқанд» йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини, барча расмийлаштириш жараёнлари билан бирга, амалга оширишни бошлаш керак.

«Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади.

---

Аввало, бу ерда бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш, айни пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошка технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор каратиш лозим.

**Қадрли дўстлар!**

**Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришини жадаллаштириш дастурининг 2010 йилнинг муҳим устувор йўналишлари** қаторига киритилишига тўлик асос бор.

Юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз киёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узок муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.

Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қиласи.

Ушбу мақсадларга молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

---

Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

Уй-жой обьектлари қурилиши бўйича 22 та намуnavий лойиҳа, ижтимоий обьектлар қурилиши бўйича 16 та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича намуnavий режалар ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар республика ва минтақавий кўргазмаларда кенг муҳокама этилганидан кейин тасдиқланди.

Шу борада ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» буюртмачи компанияси ташкил этилиб, мамлакатимиз бўйича 42 та массивда янги уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча худудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-куватланмоқда.

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фактат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк»

---

орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу максадлар учун йўналтирилган маблағ микдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вактда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда.

2010 йилда мамлакатимиздаги барча 159 та кишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Бунда нафакат замонавий ва қулай коттежлар қуриш, айни вактда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусика ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш обьектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, кишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод кишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уйжой бозори шаклланмоқда.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш режаларига, санитария талаблари ва қурилиш нормаларига риоя қилиниши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатиши зарур.

---

Худудларда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлик хужжатларни ишлаб чиқиш тизими-ни тезлаштириш керак.

Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик ҳусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, якка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замидида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканни, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

Биз мазкур дастурни амалга ошириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бу билан мамлакатимиз учун долзарб бўлган **аҳоли бандлигини таъминлаш**, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кўзда тутамиз.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микро-

---

фирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги курилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

2010 йилда ҳам ахолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, ҳалқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оиласий тадбиркорликни рағбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оклаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бошка тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Юқорида зикр этилган барча чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирган Дастур вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштироқида тайёрланган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган.

Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳар бир туман ва шаҳарда яратилган иш ўринларини аниқ ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш ва дастур ижросини мониторинг қилиш, унда кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларини бажаришда сусткашликка йўл

---

кўймаслик чораларини кўриши ва мазкур масалалар бўйича Вазирлар Махкамасига аниқ тақлифлар киритиши лозим.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Юртимизда 2010 йилни «**Баркамол авлод йили**» деб эълон қилганимиздан яхши хабардорсиз.

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга этиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад килиб қўйганмиз.

Шу кунларда хукуматимиз томонидан ушбу масала юзасидан қабул килинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, жами давлат ва нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд барча ресурс ва имкониятларимизни сафарбар этишни кўзда тутади.

Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳакида

---

гапирап эканмиз, эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг баҳти учун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш – бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, шу залда ўтирган инсонлар, керак бўлса, бутун халқимизнинг фикрини ифода қилган бўламан.

**Азиз юртдошларим!**

2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин, буларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизнинг тараккий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир.

Бу буюк вазифаларни амалга ошириш учун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан тўпланган салоҳиятимиз ва имкониятимиз бор, кучкудратимиз етарли. Энг муҳими, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимиз бизга мустахкам пойдевор бўлажак.

Барчангизга, азиз дўстларим, шу йўлда кучкуват, янги-янги муваффақият ва омадлар тилайман.

*2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда  
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришининг энг муҳим  
устувор ўналишларига багишлиланган Вазирлар  
Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,  
2010 йил 29 январь*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз ҳамиша соғиниб, орзиқиб кутадиган мана шу илк баҳор кунларида, табиат очилиб, кўнгиллар шодлик ва қувончга тўлиб бораётган шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини кутлуғ сана – 8 март байрами билан самимий муборакбод этишдан баҳтиёрман.

Сизларга қалбимиз тўрида бўлган энг эзгу тилакларимиз, чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этиш учун барчамизга, аввало, эркак зотига яна бир имкон берадиган, бамисоли кўклам элчиси янглиғ кириб келадиган бу байрам баҳорнинг ўзи каби қадрли ва севимлидир.

Баҳор тимсолида табиат гўзаллиги, унинг бор сехри ва жозибаси канчалик якқол намоён бўлса, аёл тимсолида энг юксак инсоний фазилатлар шу кадар ёрқин намоён бўлади.

Биз одатда табиат, ер, тил ва Ватан каби мўътабар тушунчаларни «она табиат», «она ер», «она тили» ва «она Ватан» деб улуғлаймиз, уларни

---

азиз ва меҳрибон оналаримизга қиёс этамиз. Ва бу қиёслашнинг жуда чуқур ички маъно-мазмуни борлигини англаш, тушуниш кийин эмас, деб ўйлайман.

Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садокати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.

Кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлмиш аёл сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келади. Бунинг тасдигини эл-юртимизнинг миллий тарихи, ҳаёт ва тафаккур тарзида, аёл шаънини улуғлаб, гўзал қасидалар яратган мумтоз адабиётимиз сахифаларида яққол кўриш мумкин.

Бизнинг аёлларга муносабатимиз, ҳеч шубҳасиз, ана шундай юксак мезонлар негизида камол топган бўлиб, аёл зотига бекиёс ҳурмат ва эхтиром намунасини бошқалар балки биздан ўрганиши керакдир.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин онани, аёлни доимо эъзозлаб, ардоклаб яшашга интилиш туйғусини болаларимиз ва набираларимизга, келгуси авлодимизга безавол етказиш биз учун энг олийжаноб, энг буюк вазифа бўлиб колиши зарур, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз ўз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда демократик давлат, ҳеч

---

кимдан кам бўлмайдиган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-хукуqlари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларимизни жамиятимизнинг teng ҳукукли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳакида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг хожати йўқ.

Бундай сиёсатнинг амалий самарасини бугунги кунда олий қонунчилик идоралари, жойлардаги вакиллик органлари ва ижро ҳокимиятидан тортиб судхукуқ соҳасида, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш тизимлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, мухтасар айтганда, ҳаётимизнинг барча босқичларида кўриш, кузатиш мумкин.

Шуниси эътиборга сазоворки, хотин-қизлар юртимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан бирга, ўзининг билими, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмокда. Бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, илму фан, тибиёт, таълимтарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоклар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

---

Биз мамлакатимизнинг ёруғ келажагини кўзда тутган ҳолда 2010 йилни юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилдик. Бу қароримизнинг маъно-моҳиятини лўнда килиб ифода этадиган бўлсак, кўп марта такрорланган бир ҳақиқатни яна бир бор таъкидлашга тўғри келади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вактида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кундалик хаёт мазмунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараккиёти йўлидан четда колиб кетиши муқаррар.

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта мураккаб мақсадни қўяр эканмиз, бундай улуғ вазифани адо этиш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, буюк хиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб, киёслаб бўлмайди. Яъни, эртанги кунимизнинг мустаҳкам ва ишончли пойдеворини бунёд этишда айнан аёл зоти ҳал қилувчи куч, чинакам таянчимиз ва суюнчимиз бўлиб майдонга чиқишини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

**Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.**

---

Ана шу ҳақиқатни чукур англаған ҳолда, мамлакатимизда аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишига қаратилган, узокни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган дастур ва тадбирларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки смарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда узок гапириш, кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фактат учта мухим йўналиш бўйича баъзи ракамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон микёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 41 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади. Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёning Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Кохира, Сеул, Дехли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўкувчи ва талабамиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 153 нафари қиз болалар эканини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Ана шу охирги уч йил мобайнида 1 минг 464 нафар истеъоддли спортчи ёшлари-

---

миз халқаро мусобақаларда зафар козонган бўлса, уларнинг 448 нафари айнан қизларимиз экани албатта барчамизга ғуур ва ифтихор бағишлиди. Айтинглар, азизлар, бундан ўн беш – йигирма йил олдин ўзгалар ҳавас қиласидиган бундай улкан уфқ ва мэрраларга етишни тасаввур қилиш мумкинми? Очик айтиш керакки, буларни факат шириң тушларимизда кўришимиз мумкин эди, холос.

Шу борада бугун яна бир ҳакиқатни чукур англаб олишимиз керак. Биз болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига қанча эътибор, куч ва маблағ сафарбар этсак, юртимиздаги ёш талантларнинг ноёб истеъоди очилишига қанча кўп имконият туғдириб берсак, хеч шубҳасиз, фарзандларимизнинг илму фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон шоҳсупаларига кўтарилиши учун шунчалик мустаҳкам замин яратилади, иншооллоҳ. Мен бунга қатъий ишонаман.

Бундай юксак ва эзгу мэрраларга эришишда, авваламбор, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни жадал суръатлар билан ривожлантириш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш масаласи биз учун доимий устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Албатта, бундай сиёsatни янада кучайтириш, унинг самарасини оширишда хотин-қизларнинг мавқенини, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолли-

---

гини ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий нуктаи назардан юксалтириш ана шундай муҳим вазифаларимиз каторига киради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча мард ўғлонларини аёлларга фақат байрам кунларида эмас, балки ҳамиша ҳурмат ва эътибор кўрсатиб яшашга, айнан шундай ёндашувни ўз бурчимиз деб билишга ва уни ҳаётимиз мезонига айлантиришга даъват этмокчиман.

Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, баҳтли ҳаёт кечирсин. **Зеро, оналарнинг, аёлларнинг баҳти – оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг баҳти**дир.

**Қадрли опа-сингиллар!**

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун сизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, таъзим қилсак арзийди.

Яна бир карра самимий табригимни қабул этгайсиз.

**Иқболингиз баланд, умрингиз узок, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!**

**Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!**

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи – Наврўзи олам кутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмокда.

Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан, аввало, табиат уйғониши, шаркона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир. Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чараклаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек хисқиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунавар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса

---

каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврӯз кувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида – Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Коракалпок диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил кирадирларигача – халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томушалар ўтказиб, Наврӯзни катта хурсандчилик билан кутиб олмокда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламокда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дусини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтоҷ ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмокда.

Бу буюк ва бетакрор айёмининг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафакат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам кутлаб, соғлиқ-омонлик, баҳт ва омад тилайди, юрти-

---

миздаги тинчлик-осойишталик, ахиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусафро бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврӯз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврӯзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халкаро Наврӯз куни деб тан олгани, албатта, бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғуур ва ифтихор бағишлиайди.

**Қадрли дўстлар!**

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайриҳоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараккиёти учун катта кўмак берәётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узок-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

**Азиз ва қадрли ватандошларим!**

Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, дехқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ

---

кадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврӯз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, баҳту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аrimасин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

**«ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР  
ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ  
ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ  
РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН  
МИСОЛИДА)» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

**Ҳурматли конференция қатнашчилари!**

Сиз, мухтарам мөхмонарни, нуфузли халкаро ташкилотлар вакилларини, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни Ўзбекистон заминидаги самимий қутлаш ва ушбу халқаро конференциядаги иштирокингиз учун чукур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

«Инқирозга карши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишниң устувор йўналишлари» халқаро илмий-амалий конференцияси мавзуи – фикрлар ва таклиф этилаётган ёндашувлар хамда ушбу муаммоларни миллий, миңтақавий ва глобал миқёсда ҳал этиш йўллари бугун дунёда кенг муҳокама этилаётган масалалар эканини инобатга оладиган бўлсак – авваламбор, ўзининг долзарблиги билан катта кизиқиши уйғотади, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Шу маънода, Инқирозга карши чоралар дастурларининг миллий даражада ўз вактида кабул

---

килингани, инқироз шароити талабларига жавоб берини, аниқ мақсадларга йўналтирилгани ва самарадорлигини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилиш, мамлакат иқтисодиётини инқироздан кейинги ривожлантириш бўйича фикр алмашиш, бу борадаги ёндашувларимиз, режаларимиз ва устувор вазифаларимизни танқидий баҳолаш анжуманинг барча иштирокчилари учун, шубҳасиз, ғоят фойдали бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилашга доир биз ишлаб чиққан беш тамойилга асосланган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошириб келинаётган иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели», шунингдек, чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёsat макроиктисодий барқарорлик, молия-банк соҳасининг барқарор фаолият юритиши ва валюта захиралари кўпайишини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихия таъсиридан ҳимоялаш учун ишончли тўсик ва мустаҳкам захира бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз иқтисодиётимизни, молия ва банк тизими ни ортиқча ликвидлик билан пуфлаб шиширмадик, балки, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини қўллаб-куватлашга, ишлаб

---

чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлаш, диверсификация қилиш, харжатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ракобатбардошлигини таъминлаш чораларига эътибор қаратдик.

Кенг кўламли Инвестиция дастурини амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари кўлами ва ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш, шулар хисобидан ахоли бандлигини таъминлаш, солиқ юкини изчил пасайтириб бориш, экспортга йўналтирилган етакчи тармоклар учун зарур преференциялар яратиш каби чора-тадбирлар Инқирозга карши чоралар дастурида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлди.

Инқирозга карши курашиш ва унинг окибатларини бартараф этиш бўйича қабул килинган стратегия мамлакатимизга, дунёning санокли давлатлари қатори, ўтган даврда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини берди. 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида 9 фоиз, кишлок хўжалигида 5,7 фоиз ўсди, иқтисодиётга жалб килинган инвестициялар ҳажми 25 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Ўтган йили экспорт ҳажми 2,4 фоиз кўпайди, бу ташки савдонинг ижобий сальдоси сезиларли

---

даражада ошиши ва олтин-валюта захирасининг барқарор ўсишини таъминлади. Инқироз ва жаҳон иқтисодиётининг таназзулига қарамай, мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди, уларнинг ярмидан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Давлат бюджетининг барқарор профицити таъминланмоқда. Ташки қарз 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли халқаро эксперталар томонидан тасдиқланган прогнозларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида экспорт ҳажмининг ўсиши ва саноатни янада ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2010 ва 2011 йилларда мос равишда 8,5 ва 9 фоиз иқтисодий ўсишга эришилади.

Шу билан бирга, нуфузли халқаро таҳлилчи ва эксперталар таъкидлаётганидек, дунёning кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий-иктисодий инқирознинг энг оғир даври ортда қолганига қарамай, жаҳон иқтисодиёти ҳали узоқ муддатли ва мураккаб тикланиш жараёнини бошидан кечиришини теран англаймиз.

Аксарият мамлакатларда кескин тебранишлар, кўпгина ҳолларда жаҳон бозорида талабнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши давом этаётгани ва аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашиши оқибатида иқтисодиёт рецессияси-

---

нинг такрорланиш хавфи ҳали-хамон сакланиб колмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, ишсизликнинг ўсиши ва ахоли реал даромадларининг камайиши давлат бюджети тақчиллигига олиб келади. Бу хавфли миқёс касб этиб, давлат молиявий ресурслари барқарорлигига таҳдид солади ва ижтимоий кескинлик хавфини келтириб чиқаради.

Айрим мамлакатларда давлат қарзи микдорининг ортиб бораётгани ҳам ана шу муаммолар билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий ўсишнинг қониқарсизлиги ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилаётган бир шароитда фонд ва хом ашё бозорларида индексларнинг ҳаддан ташқари оширилиши ва шиширилиши эътиборни тортади. Бу эса вакти келиб ёриладиган ҳамда молия ва валюта бозорларида янги ўпирилишларга олиб келадиган «пуфаклар» кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Пул эмиссиясининг ортиб бораётгани ва шутариқа молия-банк секторининг тўлдирилаётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу инфляция жараёнларининг издан чиқиш хавфини юзага келтиради ва иқтисодиётда жиддий номутносибликларга олиб келади.

Кўплаб таҳлилчиларнинг фикрича, банк секторидаги ортиқча ликвидлик оқибатида қатор мамлакатларда иқтисодиётнинг реал сектори, ўрта ва

---

кичик бизнес, тадбиркорлик соҳасини молиялаштиришда жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Бу ҳолат иқтисодиётнинг реал секторида молијавий ахволнинг кескин ёмонлашиши ва кредитлар кайтарилиши билан боғлик жиддий муаммолар юзага келаётгани билан изохланмоқда.

Жаҳон бозоридаги протекционизм сиёсати, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун инқироздан чиқищдаги жиддий ғов бўлиб колмоқда. Дунёning етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлардаги декларатив баёнотларга қарамай, бундай сиёсат тобора кенг кўлланилмоқда.

Банк тизимида таваккалчиликлар мезонлари ва бу таваккалчиликларни бошқариш механизmlарини аниклаш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор принципларига давлат аралашувининг даражаси ва меъёри билан боғлик муҳим масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралар ҳамон давом этаётганини ҳам таъкидлашни истардим.

Сакланиб қолаётган ва ўз ечимини топмаётган бундай муаммолар аксарият экспертларнинг жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиш ва инқироздан кейинги ривожланиш жараёни узоқ ва ғоят мураккаб кечиши мумкинлиги ҳақидаги қатъий фикрини тасдиқлайди. Шу билан бирга, молия бозорида янги ўпирилишлар рўй бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

---

Юкорида баён этилганларни хисобга олиб, инқироздан кейинги иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг миллий моделидан бевосита келиб чиқадиган асосий устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат, деб биламиз. Бунда иқтисодиётнинг хом ашёга йўналтирилганидан бутунлай воз кечган ҳолда, таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспорт таркибида юкори технологик ва ракобатбардош маҳсулотлар салмоғини кескин кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармокларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларининг қудратли замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган муҳим стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол инвестицион сиёsat юритиш вазифалари доимий эътиборимизда бўлади.

Фикримни тасдиқлаш учун айрим мисолларни эътиборингизга ҳавола қилмокчиман.

2010 йилда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш ва янгиларини бошлиш учун умумий ҳажми 3 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилиш ёки унинг ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз, жум-

---

ладан, түрридан-түри инвестицияларни 46 фоиз ошириш кўзда тутилмокда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар учун мамлакатимизда энг қулай шарт-шароит яратиш билан бир каторда, ички ресурсларни ишга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмокда.

2009 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 14 баробар ўсди, бунда инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлар улуши умумий кредит портфелининг қарийб 70 фоизини ташкил этди.

2007 йилда, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция ва модернизация қилиш билан боғлик ишларни бажариш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Бугунги кунда Жамғармада 4,7 миллиард доллардан зиёд валюта маблағлари тўпланган.

Ўтган йили мамлакатимиз хукумати томонидан 2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш дастури тасдиқланди. Бу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан ортиқ 300 дан зиёд лойиҳа киритилган.

Бу лойиҳаларнинг аксарияти бўйича маблағларнинг аниқ манбалари, инвесторлар консорциумлари ва ижро муддатлари белгиланган.

---

Банк тузилмалари, хўжалик субъектлари ва ахолини инвестиция жараёнларига кенг жалб этиш ва уларнинг иштирокини янада рағбатлантириш ҳисобидан ички талабни кучайтиришга доир чоратадбирларни амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кишлокда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфра тузилмани жадал ривожлантириш дастури бундай лойихалар ижросига яққол мисол бўла олади. Ушбу дастур қишлоқларни замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ ахолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шаҳар шароитига якинлаштиришга хизмат қиласди.

Узок истиқболга мўлжалланган ушбу йирик лойихани амалга ошириш учун кучли лойихавий, саноат-қурилиш, мухандислик-техник салоҳият ва зарур ташкилий тузилмалар яратилди, рағбатлантириш чоралари ва преференциялари ишлаб чиқилди.

Махсус ташкил этилган банк ва унинг жойлардаги филиаллари оркали 2010 йилда ушбу максадлар учун 390 миллион доллар эквивалентида маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда, бу 2009 йилдаги кўрсаткичдан 4 баробар кўпдир. Бунда жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, уй-жой қурувчиларнинг маблағлари 60 миллион доллардан ошиди. Барча қишлоқ туманларида умумий

---

қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 7600 дан ортиқ уй-жой куриш мўлжалланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур дастурнинг амалга оширилиши курилиш билан боғлиқ барча соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларига талабни оширади, ўн минглаб, юз минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

**Хурматли конференция иштирокчилари!**

Ишончим комилки, форум давомида ишлаб чиқиладиган хулоса ва тавсиялар, шубҳасиз, амалиётда ўз аксини топади ва инқирозга қарши чоралар дастурлари самарадорлигини оширишга кўмаклашади, жаҳон иқтисодиётини инқироздан кейинги тиклаш жараёнида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Конференция иштирокчиларининг барчасига самарали фаолиятида муваффақият тилайман!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мухтарам президент Курода!

Мухтарам бошқарувчилар!

Хурматли хорижий давлатлар вакиллари ва  
мехмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси иштирокчиларини, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларини ва Тошкентта ташриф буюрган барча меҳмонларни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида биринчи бўлиб ушбу муҳим воқеани ўтказишга Ўзбекистон пойтахти танлангани биз учун катта шараф ва мазкур қарорни қабул қилган Осиё тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Мен ўз нутқимда бугунги анжуманд мухокама этилаётган мавзуга бевосита тааллукли бўлган айрим масалалар хусусида қисқача тўхталмокчиман.

Ўтган 2009 йил жаҳон иқтисодиёти учун, ҳакиқатан ҳам, оғир синов йили бўлди, лобал молиявий-иктисодий инқирознинг салбий оқибатлари

---

деярли ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмади. Нуфузли халқаро таҳлилчи ва экспертларнинг фикрига кўра, инқирознинг энг оғир ва кескин босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали иқтисодиётни тиклаш бўйича ўта мураккаб, машакқатли ва узоқ муддатли жараён олдинда турибди.

Жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чикиши йўлида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил килганда, биринчи навбатда, ўсиш суръатларининг бекарор ва паст даражада экани, ишсизликнинг юқори даражада сақланиб қолаётгани, иқтисодиёт реал сектори молиявий аҳволининг сезиларли равища ёмонлашаётгани ва аҳоли реал даромадларининг пасайиши ҳакида гапиришга тўғри келади.

Баъзи мамлакатларда давлат бюджети тақчиллиги, жумладан, давлат қарзи ҳажми ошиб бораётгани хавфли миёс касб этмоқда. Бу эса ушбу қарзларни тўлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ва ҳаттоқи, дефолт ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Ички талабнинг паст даражадалиги, айрим ҳолларда эса унинг камайиши кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ва изчил ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бизнингча, дунёдаги кўплаб етакчи экспертларнинг банк-молия секторидаги ортиқча ликвидлик ва банк-молия секторини бундан кейин ҳам пул

---

ресурслари билан тўлдириш спекулятив капиталнинг авж олиши, фонд ва хом ашё бозорларида сунъий «пуфак»ларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиши, бу эса келажакда молия ҳамда валюта бозорларида янги ўпирлишлар билан боғлик салбий окибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилиш мумкин.

Пул эмиссияси ва ҳажмининг ошиши инфляция жараёнларининг хавфли ҳолатларини келтириб чиқариши ҳакида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: кўплаб мамлакатларда, айниқса, ривожланган мамлакатларда протекционистик чора-тадбирларнинг кенг тус олаётгани, биринчи навбатда, ривожланаётган давлатлар ва умуман, жаҳон иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш борасида катта муаммолар туғдирмокда.

Банк ва молия соҳаларининг давлат томонидан тартибга солиниши, банк капиталини тизимли назорат қилишни таъминлаш механизmlари ва воситалари, шунингдек, бу борада халқаро молия институтларининг роли ҳақидаги масала экспертлар ҳамда расмий доираларнинг монтакавий ва глобал даражадаги асосий мухокама мавзусига айланмоқда, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Бу мавзудаги баҳс-мунозараларда билдирилаётган айрим таклифлар, хусусан, молия ва банк сек-

---

тори фаолиятини глобал миқёсда назорат қила оладиган халқаро молия институтини шакллантириш таклифи эътиборга моликдир. Мазкур институт зиммасига жаҳон бозорида спекулятив банк фаолиятини, жумладан, халқаро савдони ва халқаро молия бозорини умуман мувозанатдан чиқариши мумкин бўлган дериватив ва бошқа «куруқ» қимматли қоғозлар соҳасини назорат қилиш вазифасини юклаш таклиф этилмокда.

Бу ҳақда гап кетганда, бизнинг назаримизда, АҚШ Президенти Б. Обама томонидан илгари сурилаётган АҚШ молия институтларининг операцияларини назорат қилиш ҳамда солиқ тўловчилар маблағлари ҳисобидан деривативлар билан амалга ошириладиган, факат таваккалчиликка асосланган келишувларни чеклаш бўйича маҳсус агентлик ташкил этиш тўғрисидаги таклиф эътибор ва кўллаб-куватлашга сазовордир.

Ўйлайманки, бу масалада узоқ вактдан буён давом этаётган баҳс ва мунозаралар натижасида барча томонлар учун мақбул бўлган оқилона ечим топилса, шубҳасиз, бу – инқироз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасидаги энг катта ютуклардан бири бўлади.

**Хурматли мажлис қатнашчилари!**

Жаҳон инқирозининг ҳар бир мамлакатга қайдаражада таъсир кўрсатгани, аввало, ўша мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар модели-

---

га, молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг нақадар барқарор ҳамда мустаҳкамлигига, уларда ҳимоя механизмларининг нечоғли кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан биз истиклолимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1992 йилда қабул қилган ва беш тамойилга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ислоҳ килишнинг «ўзбек модели» ҳакида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ушбу тамойилларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

**Биринчиси** – давлат тизимининг мафкурадан холи бўлиши ва иқтисодиётнинг сиёsatдан устуналигини таъминлаш.

**Иккинчиси** – режали-тақсимлаш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши.

**Учинчиси** – қонун устуворлигини таъминлаш, яъни қонун барча учун баробар экани.

**Тўртинчиси** – ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш. Халқимиз таъбири билан айтганда, янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг, деган ҳикматга амал қилиш.

**Бешинчиси** – бир тузумдан бошқа тузумга ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёsat юритиш.

Бугунги кунда ушбу модель ўтган давр мобайнда, шу жумладан, инқироз жараёнларининг экс-

---

тремал таъсири даврида ўзини тўлиқ оклади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ўтган даврда банк-молия тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилгани, ҳар томонлама пухта ўйланган, вазмин иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихияли жараёнлар ва назоратсизлик таъсиридан ҳимоялаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилгани, шунингдек, иқтисодиётнинг макроиктисодий мувозанатлилиги қатъий назорат килиниши инқирознинг ҳалокатли таъсирини юмшатишда катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилингани, унинг мавжуд шарт-шароитга мувофиқлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилгани инқирозга қарши туришда ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим роль ўйнади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, биринчи навбатда, реал иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, солик юкини камайтириш, иқтисодиётнинг реал секторига, айниқса, экспортга йўналтирилган корхоналарга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва

---

технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ҳисобидан ҳаражатларни камайтириш ва даромадни кўпайтириш бўйича амалга оширилган ишлар муҳим устувор йўналишларни ташкил этди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор инқирозга қарши туриш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлди.

Ижтимоий соҳада, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тармоқларида кенг кўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга доир вазифаларнинг ҳал этилиши Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар инқирозга қарши курашиш ва унинг окибатларини бартараф этиш вазифалари билангина чекланиб қолмасдан, узок истиқболга мўлжалланган дастурий мақсадларни ҳам қамраб олганини таъкидлашни истардим.

Биз шуни яхши англаймизки, инқироздан кейинги даврда ҳозирданок туб таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган узок муддатли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаётган ва амалга ошираёт-

---

ган мамлакатлар биринчи навбатда муваффақият қозонади.

Ўтган йили Ўзбекистонда 2009 – 2014 йилларда ишлаб чиқариши мөрнөнде модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича ЭНГ муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоратадбирлари Дастури қабул қилинди. Ушбу дастурга етакчи тармоқларни янгилаш, йирик транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва тежамкор технологияларни жорий қилишга қаратилган умумий киймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 300 дан ортик ўта муҳим инвестиция лойиҳалари киритилган. Хорижий инвестицияларни жалб қиласдан, бунинг учун зарур шароит ва преференцияларни таъминламасдан туриб, олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш қийин бўлишини барчамиз яхши тушунамиз, албатта.

Шу билан бирга, инвестиция лойиҳаларини молиялашда ички ресурсларни сафарбар этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида ички манбалар улуши 68 фоизни ташкил этди, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан кам бўлмайди.

Биз узок муддатли ва кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда 2007 йилда ташкил қилинган, капитал маблағи бугунги кунда қарийб 5 миллиард

---

доллардан иборат Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг салоҳияти ва имкониятларини янада мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқдамиз. Жамғарманинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, хорижий шериклар билан бирга иқтисодиётнинг етакчи тармоклари обьектларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишдан иборат.

Масалан, 2009 йилда ушбу жамғарма маблағлари хисобидан Навоий шаҳридаги Иссиқлик электр станциясида қиймати 470 миллион долларлик замонавий буғ-газ курилмасини барпо этиш ишлари бошланди. Бу ерда бугунги кунда Навоий аэропорти базасида эркин индустрисал-иктисодий зона ва халқаро мультимодаль логистика маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилаётгани ҳакида ҳам кискача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимизда 1997 йилдан буён эски таълим тизимидан тўлиқ воз кечиб, 9 йиллик умумтаълим мактаблари ва уч йиллик касб-хунар коллежлари ҳамда лицейларни қамраб олган 12 йиллик бепул таълимни кўзда тутадиган Давлат дастури изчил амалга оширилмоқда.

---

Сўнгги йилларда янги барпо этилган 1,5 мингдан ортиқ колледж ва лицейларда 1 миллион 500 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўрта техник ва гуманитар таълим олди, 2–3 мутахассисликка эга бўлди, хорижий тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганди.

Буларнинг барчаси, кейинги йилларда таълим учун сарфланган харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетининг 37 фоизидан ошганини, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар билан бирга ҳисоблаганда, 50 фоиздан ортиқни ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон накадар юксак малакали кадрлар ва инсон капитали салоҳиятига эга экани яқкол намоён бўлади.

Юқорида айтилганлардан хулоса қиласиган бўлсак, шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, қабул қилинган ривожланиш стратегияси ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши Ўзбекистонда, дунёning саноқли давлатлари қатори, 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқаришининг 9 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди. Иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 26 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баравар ошди.

Мамлакатимизда ўтган йили 940 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинди.

---

Махсулотлар экспорти 2,4 фоиз кўпайди, бу ташки савдонинг ижобий сальдоси сезиларли даражада ошиши ва мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг баркарор ўсишини таъминлади.

Давлат бюджетининг баркарор профицити таъминланди, ташки қарз 2010 йилнинг 1 январь холатига кўра, 10 фоиздан ошмади.

Нуфузли рейтинг компаниялари ва халқаро институтларнинг прогнози бўйича Ўзбекистон Республикасида иктисодий ўсиш 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

**Қадрли дўстлар!**

**Ҳурматли меҳмонлар!**

Ўзбекистон Осиё тараккиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлайди, сўнгги йилларда биз учун ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда монтакавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банкни муҳим стратегик шерик, деб билади.

Ўтган давр-мобайнида, яъни 1996 йилдан буён ажратилган 1 миллиард 200 миллион доллар кредит ресурслари ҳисобидан қиймати 520 миллион доллардан ортиқ 11 та лойиҳа амалга оширилди, умумий миқдори 650 миллион доллардан зиёд 15 та лойиҳани ўзлаштириш давом этмоқда.

Мазкур банк билан бизнинг ҳамкорлигимиз бугун сезиларли равишда кенгайиб бораётгани ва янги

---

босқичга кўтарилаётганини катта мамнуният билан қайд этамиз. Йиллик мажлис доирасида умумий киймати 1 миллиард 150 миллион доллардан ортиқ яна тўртта кредит шартномаси имзоланди, бошқача айтганда, Осиё тараккиёт банки мамлакатимизда ўз кредит портфелини икки баравар ошириди.

Мамлакатимиз билан Осиё тараккиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг асосини ташкил этувчи ўзаро ишонч ва олинган мажбуриятларга қатъий амал қилиш тамойиллари ҳамда ажратилаётган маблағларнинг Ўзбекистон томонидан мақсадли ўзлаштирилиши бундан буён ҳам таъминланади, дейиш учун бугун барча асосларга эгамиз.

Энди Осиё тараккиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг бизнинг назаримиздаги устувор йўналишлари ҳакида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан**, Осиё тараккиёт банки Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлган иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш дастурларини амалга оширишда бизнинг асосий ҳамкоримиз бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу дастурлар экспорт таркибида юқори технологик, юксак сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар улушини оширишни ҳисобга олган холда, бойтабии ресурсларни, минерал, углеводород ва қишлоқ хўжалик хом ашёларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган.

---

Бу ўринда гап Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоклари, жумладан, тоғ-кон, нефть-газ, кимё ва тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш лойиҳаларини амалга ошириш ҳакида бормокда.

Замонавий транспорт-коммуникация тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон миллий автомагистралини бунёд этиш, Навоий аэропорти базасида интермодаль логистика марказини ривожлантириш, темир йўл тармокларини кенгайтириш ва унинг харакат таркибини тубдан янгилаш каби лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимизни модернизация қилиш стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишларини ташкил этади. Осиё тараққиёт банки мазкур йиллик мажлис доирасида Ўзбекистон миллий автомагистралини куриш ва модернизация қилиш учун 600 миллион доллар микдорида кредит ажратиш тўғрисидаги битимни имзолаганини юксак қадрлаймиз.

**Иккинчидан**, хусусий бизнес ва иқтисодиётнинг нодавлат секторини қўллаб-куватлаш ҳамда янада ривожлантириш.

Агар 1991 йилда иқтисодиётимизда нодавлат сектор улуши 3 фоизга ҳам етмаган бўлса, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотда ушбу секторнинг ҳиссаси 80 фоиздан ортиқни, иқтисодиётнинг катор етакчи тармоклари – қишлоқ хўжалиги,

---

курилиш, телекоммуникация, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса хусусий мулк шакли қарийб 100 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, биз электроэнергетика, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат, электротехника ва машинасозлик саноати, банк-молия хизматлари соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларида хусусий сектор мавқеини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш катта истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан**, кишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг моддий базасини янада ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикасида кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи суғориладиган майдонларда етиштирилади. Шу сабабли минтақада сув ресурслари такчиллиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда соҳага сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бундай шароитда биз шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз зарур ва бу жараёнда Осиё таракқиёт банки билан ҳамкорлик истиқболли йўналишларга эга, деб биламиз.

---

**Тўртинчидан**, ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-куватлаш, таълим ва соғлиқни саклаш тизимларининг базасини замонавий талаблар асосида мустаҳкамлаш.

Мамлакатимизда яратилган мактаб, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизими салоҳиятини, аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасини қўллаб-куватлаш, уларни энг замонавий ускуналар, компьютер ва ахборот-коммуникация техникаси, технологиялари билан жиҳозлаш, соғлиқни саклашда ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг мукаммал ва илғор усулларини жорий этиш – булар, шубҳасиз, ҳамкорликнинг биз эҳтиёж сезаётган муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

**Бешинчидан**, Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиз банк-молия тизимини ривожлантиришда, жумладан, давлат молия институтларини ривожлантириш лойихаларини молиялаштириш, тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит институтлари учун кредит линияларини тақдим этиш ҳамда Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган хусусий банклари капиталини оширишда фаол иштирок этаётганини қадрлаймиз.

Ҳамкорликнинг ушбу соҳаси ҳам яхши истикболга эга эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкининг Афғонистонни иқтисодий тиклашга йўналтирилган

---

лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Мисол учун, «Сурхон – Ноибобод – Кобул» йўналиши бўйича электр узатиш линиясининг барпо этилиши 2009 йилда Ўзбекистондан электр энергиясини етказиб бериш ҳажмини 6 баравар ошириш ва Кобул шаҳрига сутка давомида узлуксиз электр энергияси узатишни таъминлаш имконини берди. 2010 йилда Афғонистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам электр энергияси етказиб бериш ҳажми яна икки баравар ортади.

Биз «Хайратон – Мозори Шариф» темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда Осиё тараккиёт банкини қўллаб-қувватладик ва Афғонистонда темир йўл қатновини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу «трансафғон йўлаги»ни қуриш лойиҳасини амалга ошириш, Марказий Осиёдан Ҳинд океанининг яқин портларига юкларни энг қисқа темир йўл оркали транзит килишни таъминлайди ва Афғонистонни иқтисодий ривожлантиришга қўмаклашади.

**Мухтарам йиллик мажлис иштирокчилари ва меҳмонлари!**

Осиё тараккиёт банки, унинг Бошқарувчилар кенгashi ва жаноб президент Курода жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мураккаб даврида юзага келган таҳдидларга ўз вактида жавоб қайтаришни таъминлаган самарали ва изчил фа-

---

лиятни намоён этди, инқироз оқибатларини юмшатиш учун янги воситалар ҳамда ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқди ва амалга ошириди.

Инқирознинг халокатли таъсирига бошқа давлатларга нисбатан яхшироқ бардош берган, дунёning энг жадал ривожланаётган миңтакаси бўлган Осиё мамлакатлари бугун иқтисодий ривожланиш, мувозанатлашган иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида ҳам, миңтакавий барқарорлик ва хавфсизлик соҳасида ҳам янги таҳдидлар олдида турибди. Ушбу масалаларни ҳал этиш халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва хукуматлардан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни такозо этади.

Осиё тараққиёт банки ва унинг президенти Харухико Куродага мазкур банк зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда қўллаб-куватлашимизни яна бир бор изҳор этишга ҳамда йиллик мажлис иштирокчиларига муваффакият ва омад тилашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг Ўзбекистонга ташрифингиз, сиз, анжуман иштирокчиларида ўчмас таассуротлар қолдиради ва сизларда меҳмондўст ва гўзал диёритизни яна бир келиб кўриш иштиёқини уйғотади, деб ишонамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2010 йил 3 май

---

## **ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ, ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС**

*Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошлиаримиз хотирасини ёд этиши, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, мاشаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини ўйқотмаган, имони бутун юртдошлиаримизга ҳурмат-эҳтиром қўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.*

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 24 марта қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир.*

*9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруши ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва*

---

*сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилар қадрларини ташриф буюорди.*

*Майдон узра маҳзун мусиқа тарағади.*

*Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.*

*Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайқали пойига гулчамбар қўйди.*

*Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажсо келтирди.*

Юртимизда муқаддас Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган бу куттуғ байрам билан, аввали, бугун сағимизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган уруш қатнашчиларини, нуроний отахонларимизни, барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий табриклайман.

Биз 9 май – Ғалаба кунига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимизга, мана, 12 йил тўлмоқда. Бугунги кунда ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: бундай ном олган бу сана юртимизда умумхалқ байрамига, ҳақиқий анъанага айланиб колди. Нега деганда, хотира ва қадрлаш тушунчалари асл миллий қадриятларимизга жавоб бериб, отабоболаримиздан қолган ҳам диний, ҳам инсоний урф-одатимиздир.

Ўтганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эслаш, уларнинг арвоҳларини шод

---

қилиш мұқаддас одат сифатида қон-қонимизга сингиб кетган.

Шу маңнода, биз, аввало, уруш майдонларидан қайтмаганларнинг хотираси олдида, бешафқат жангларда ҳалок бўлганлар ва шу урушда катнашган барча инсонларнинг жасорати ва матонати олдида бош эгамиз. Бу аёвсиз уруш юртимизда қанча-қанча бева-бечора ва етим-есирларни қолдириб, қандай оғир азоб-уқубатлар олиб келганини яна ва яна бир бор эслаймиз.

Шулар ҳакида гапирганда, яна бир муҳим вазифамиз бўлмиш – бугун сафимиизда омон бўлиб, ҳаётимизга файз бағишлиб келаётган уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизга муносабат ҳакида алоҳида сўз юритишни истардим.

Уларнинг умри ғанимат эканини унутмаслик, айни ҳаёт бўлган пайтида уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун, аввало, ҳукумат ва ҳокимият раҳбарлари учун ҳам қарз, ҳам фарз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Лўнда қилиб айтганда, эртага пушаймон бўлмаслик учун бугун бурчимизни адо этсак, айни муддао бўлар эди.

Халқимизнинг собиқ Иттифоқ халқлари каторида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳакида гапирганда, баъзи рақамларни келтиришни ўринли деб биламан.

---

Уруш арафасида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллионы урушда бевосита иштирок этган.

Яъни ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмагандан, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жанг майдонларида қатнашган. Ва бу даҳшатли урушда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашгандарнинг 30 фоизи ҳалок бўлган, нобуд бўлган.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, шунча қурбон ва йўқотишларни халқимиз Ватанини фашизм балосидан, фашизм қуллигидан саклаб колиш учун берган.

Шу билан бирга, бир фикрни такрор ва такрор айтишга тўғри келади.

Ишончим комил, бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байрок ўрнатиш учун эмас, хаёлида, авваламбор, ўз ота-онаси, болалари, севимли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч хаёти учун жон фидо килган.

Ўйлайманки, мана шундай фикр-ўйлар одамнинг кўнглидан ўтар экан, беомон жангларда кон тўккан, ҳалок бўлганларнинг бизларга – бугунги мусаффо осмон остида осуда ва тўқ яшаётгандарга қаратилган умидлари бамисоли қандайдир садо-даъват бўлиб, қулоғимизда янграб турган бўлса, бу ҳам ҳақиқатдан узок эмас.

---

Яъни уларнинг «Болаларимиз, юртимиз омон бўлсин, халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмасин», деган ниятлари бугун барчамиз учун айнан бизларга каратилган даъват сифатида туюлиб турса, буни ҳам табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Одам шулар ҳакида ўйлар экан, бундай эзгу ниятларни, юртимизнинг, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг янада таракқий тошиига хисса қўшиш барчамиз учун, бугун яшаётган авлод учун ҳам фуқаролик, ҳам инсоний бурч, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги дунёда ўзининг қадр-кимматини, ғуур ва номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қурдатига инонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини куришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва ҳалқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қиласи.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Аввало, биз бугун яшаётган нотинч ва таҳликали шароит Ватанимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлигини, ахолимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишга кодир бўлган Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш, унинг имкониятларини мустаҳкамлаш вазифаси доимо эътибор марказида туришини талаб қиласи.

---

Юртимизда ҳукм суроётган, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталик, меҳроқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз корачиғидек асраш, узок ва яқин қўшнилар билан тил топиб, дўстлик ва ҳамкорлик алокаларини кучайтириш вазифаси бу борада ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги долзарб вазифаларимиздан яна бири, Ўзбекистонни тараккӣ топган давлатлар қаторига кўтариш, эркин ва демократик жамият қуриш ва бунинг учун юртимиздаги мавжуд барча имкониятларни ишга солишдан иборатdir.

Айнан шу мақсадга эришиш йўлида Ватанимизнинг эртанги куни, келажаги бўлмиш, бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш, фарзандларимизга замонавий билим бериш ва уларни ҳакиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш энг устувор вазифамиз эканини хеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Бугун нишонлаётган байрамимиз шундай бир кунки, у шу юртда яшаётган ҳар кайси оила, ҳар қайси хонадон учун бевосита дахлдор бўлган, уларнинг ҳаётида қандайдир чуқур из қолдирган тарихий санадир.

Айни шу кунда мен эл-юртимиз билан бирга бўлиб, шу куннинг ҳам хурсандчилигини, ҳам изтиробини уруш катнашчилари, муҳтарам фахрийларимиз билан баҳам кўриб, ғойибона бўлса ҳам

---

уларнинг барчасини бағримга босиб, яна ва яна бир бор бутун халқимизни ана шу тарихий сана билан табриклишни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, баҳт ва омад тилайман.

---

## **«УНИВЕРСИАДА – 2010» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

**Қадрли фарзандларим!**

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

Авваламбор, сиз азизларни гўзал ва бетакрор Андижон заминида бошланаётган «Универсиада – 2010» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда ўзининг қадр-киммати, ғурур ва ифтихорини саклаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва аклзаковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга кодир бўлган давлат ва жамиятнигина дунё аҳли тан олади ва хурмат қилади.

Биз ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадни амалга оширишда, аввало, жисмоний баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чукур эгаллаган, иродаси бақувват, маънавий етук авлодни ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Ёшлишимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етиши, уларнинг қобилият ва ис-

---

төйдөдини рүёбга чиқариш, ўз олдига мақсад килиб күйган мэрраларга күтарилиши, бир сўз билан айтганды, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида кабул килинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлигидаги барчамизни қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда барпо этилаётган, ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўкув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, ҳақиқатан ҳам, тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Айниқса, инсоний камолотнинг энг муҳим шарти бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, бу соҳадаги барча ютукларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ишларимиз ҳакида, ўйлайманки, бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ.

Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 130

---

та болалар спорти объекти бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли кудратли тўлкинга айланниб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айникса, бу тизимнинг юкори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиникиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафакат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун ҳалқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўзининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобакаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашувларida, кўплаб нуфузли ҳалкаро турнирларда юксак шоҳсупаларга кўтарилигани ҳам шундан далолат беради.

---

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу анъаналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Сайдов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиков каби истеъдодли спортчиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шуҳратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак, арзиди.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азиз фарзандларимизнинг очиқ чехрангизга бокиб, биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар сизларнинг тимсолингизда вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган, ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб, янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз ва бундан барчамизнинг юрагимиз қувонч ва ғурурга тўлади.

Универсиада мусобақаларининг навбатдаги беллашувлари айнан Баркамол авлод йилида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканини, у ҳар бир иштирокчидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини тушуниш, англашкний эмас.

Бугун ана шундай кўтаринки рух, баланд кайфият билан белни қаттиқ боғлаб майдонга чиқаётган экансиз, ҳеч қачон унутмангки, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас

---

Ватанимиз, ҳар бирингизга ғалаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи халқимиз бор.

Токи калбингиз, юрагингизда шундай ишонч, шундай эзгу туйғу жўш урап экан, аминманки, сизлар ҳар қандай юксак маррани забт этишда бўш келмайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Универсиада ўйинларини юкори даражада ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган курувчиларга, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, бутун Андижон ахлига са-мимий миннатдорчилигимни изхор этаман.

Сизларни бугунги ёшлик ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаб, мусобақаларда бар-чангизга баҳт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **ШХТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Мухтарам давлат раҳбарлари!

Хурматли Саммит қатнашчилари!

2001 йилда тузилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихан қисқа вактда замонавий геосиёсатнинг нуфузли халқаро тузилмасига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

ШХТни ривожлантиришда Ташкилот доирасида кузатувчилар ҳамда мулокот бўйича шериклар институти жорий қилингани принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. АСЕАН, МДҲ билан ўзаро англашув меморандумлари қабул қилингани, шунингдек, 2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи асносида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзолангани ШХТни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

Ишончим комилки, ушбу хужжатнинг қабул қилиниши ШХТ олдида турган вазифаларни бажариш ва БМТ доирасида ШХТга аъзо давлатлар манфаатларини биргаликда илгари суриш учун БМТ минбаридан янада фаол фойдаланиш имконини беради.

---

Бугунги Саммит чоғида Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашимиз керак. Шу тариқа ШХТ ўз таракқиёти йўлида навбатдаги муҳим қадамни ташлайди – тенг хукуқли янги аъзолар ҳисобига Ташкилотни кенгайтиришга, жаҳон микёсидаги глобаллашув шароитида ШХТнинг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга йўл очилади.

Низомнинг тасдиқланиши ШХТга аъзо давлатлар таркиби ўз-ўзидан унда кузатувчи макомига эга бўлган давлатлар ҳисобидан кенгаяди, дегани эмас, албатта.

Низомнинг қабул қилиниши билан ШХТга аъзо давлатлар қаторига кириш учун факат хукукий асос яратилади.

Ишончим комилки, ШХТни янада изчил ривожлантиришни, унинг фаолияти ҳукукий асосларини такомиллаштиришни таъминлашда бугунги Саммит чоғида Ташкилотимизнинг процедура коидаларини тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат ШХТ ва унинг органлари тизимли фаолият юритишини, ШХТда қабул қилинадиган ҳужжатлар ва қарорлар сифат жихатдан юксак даражада тайёрланиши ва ижро этилишини таъминлашга хизмат қиласи.

Умуман айтганда, ШХТни ривожлантириш борасидаги ишларнинг изчиллиги танқидий баҳоланадиган бўлса, тўла асос билан айтиш мумкинки,

---

ШҲТни ривожлантириш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича, Ташкилотнинг бош мақсадлари – тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ШҲТ давлатларининг барқарор иқтисодий таракқиётини таъминлашга, гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга эришиш йўлида Ташкилотнинг роли ва имкониятларини ошириш борасида чукур ўйланган, қатъий ва аниқ мақсадларга йўналтирилган жараён давом этмоқда.

**Хурматли Саммит иштирокчилари!**

Эътиборингизни яна бир масала – Афғонистон муаммосига қаратмокчиман. Афғонистон муаммоси ШҲТнинг деярли барча мажлисларида мухокама этиб келинаётган мұхым масалалардан бири бўлиб, бугун ҳам бу мавзу диккат-эътиборимизда турибди.

30 йилдан бўён уруш давом этаётган Афғонистондаги муаммоларни ҳал қилмай туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ҳақида гапириш мүмкин эмас, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўйлайманки, бу залда ҳозир бўлганларга Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича – «6+3» тинчликпарвар гурӯҳини шакллантириш ташабbusi деб ном олган – таклифларининг мазмуни яхши маълум. Ушбу таклифларнинг моҳияти қўйидагилардан иборат.

---

**Биринчидан.** Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Биз бу масалани НАТО/СЕАПнинг 2008 йил апрель ойида Бухарест шаҳрида бўлган саммитида ва бошқа ҳалқаро форумларда кўтарган бўлсак, бугун афғон муаммосини ечишга дахлдор деярли барча мамлакатлар раҳбарлари бу ҳақда гапирмокда.

**Иккинчидан.** Афғонистон муаммоларини ҳал этишда ва у ерда баркарорликни таъминлашда, биринчи навбатда, жафокаш афғон ҳалкига мақсадли иқтисодий ёрдам кўрсатишга, мамлакатнинг транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва шакллантиришга, ахоли бандлигини таъминлашга, қашшоқликка қарши курашиш билан боғлик ўткир муаммоларни ечишга устувор аҳамият берилиши керак.

**Учинчидан.** Афғонистоннинг тарихий, этник ва демографик хусусиятларини, ушбу мамлакатнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли ҳалки амал қиласиган қадимий урф-одатларни, ислом динининг анъанавий қадриятларини инобатга олиш ва хурмат қилиш зарур.

**Тўртинчидан.** Муроса жараёнига Афғонистон ахолиси ва истисносиз барча қарама-карши кучлар, этник ва диний групкалар жалб қилинмаса, улар ўртасида консенсусга эришилмаса, Афғонистонда уруш ҳали узок давом этиши мумкин.

---

**Бешинчидан.** Бу жараёнда уч етакчи субъект – АҚШ, Россия ва НАТОнинг фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Қўшни мамлакатларга, таъкидлаб айтаман, Афғонистонга бевосита чегарадош бўлган мамлакатларга таяниш бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Афғонистондаги этник гурӯҳларга таъсир кўрсата оладиган ана шу мамлакатларни жалб этиш билангина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Энг муҳими, бу вазифаларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчилиги ва шафелигида амалга оширилиши зарур.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари ҳакида галирганда, Қирғизистондаги хозирги вазият хусусида кисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистоннинг ушбу республикадаги воқеаларга муносабати Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлигининг 2010 йил 9 апрелдаги маҳсус Баёномида аниқ акс эттирилган. Биз бу воқеалар Қирғизистоннинг ички иши, деб хисоблаймиз ва бунга ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Қирғизистон жамоатчилиги ва ҳалқининг бугунги кунда ушбу мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятда тўғри йўл топиш учун ҳаётий тажрибаси ва акл-идроқи етарли эканига ишончим комил.

Биз бугун имзолайдиган ШХТ Тошкент Саммитининг Декларациясида аъзо давлатларнинг бу масала бўйича умумий позицияси ифода этил-

---

ган. Унинг асосий моҳияти куйидагилардан иборат – биз Қирғизистон халқи билан ҳамжихатмиз, ушбу мамлакатдаги мураккаб вазиятдан барчамиз ташвишдамиз, вазиятни тезда ўнглаш ва ҳокимиятни қонунийлаштириш, мамлакатда ижтимоий-иктисодий аҳволни яхшилаш максадида Қирғизистон Республикасига зарур ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Мен қискача тўхталиб ўтмокчи бўлган навбатдаги масала – бу дунёдаги деярли барча мамлакатларни ташвишга солаётган инқироздан кейинги даврда иқтисодиётни тиклаш муаммолариdir.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг энг авж олган даври, асосан, ортда қолганига қарамай, инқироздан чикиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг мураккаб, оғир ва анча узоқ кечадиган боскичи ҳали олдинда экани ҳакидаги қўплаб нуфузли эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрлари тўғри эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Айни пайтда айрим мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, юкори дарражадаги ишсизликнинг сакланиши, ахолининг реал даромадлари камайиши, молия ва банк бозорларида жиддий кескинликлар юзага келиши каби ҳолатлар такрорланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Муаммоли ва қайтарилмайдиган кредитлар ҳажми кескин ошаётган шароитда бозорни катта микдордаги пул билан шишириш давом этаётгани, шунингдек, банк-молия сектори фаолияти

---

етарли даражада назорат қилинмаётгани спекулятив капиталнинг кўпайиши, фонд ва хом ашё бозорларида «пуфаклар» пайдо бўлиши учун шароит яратмокдаки, бу молия ва валюта бозорларида салбий оқибатларга олиб келадиган янги ўпирилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Пул ва тўлов воситалари эмиссиясининг ўсиб бораётгани, биринчидан, уларнинг кадрсизланишига ва аввало, конвертация қилинадиган валюталарга бўлган ишончнинг пасайишига олиб келиши, иккинчидан, инфляциянинг ўсиб кетиши билан боғлик хавфли вазиятни келтириб чиқариши хақида гапирмаса ҳам бўлади.

Давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзининг микдори жиддий муаммога айланиб, айrim мамлакатларда эса хавфли тус олиб, молия секторида катта кескинликни келтириб чиқармоқда, харажатларнинг чекланиши ҳамда ички ва ташки бозорларда талаб қисқаришига олиб келмоқда.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози Осиё минтақасининг аксарият давлатларига нисбатан кучли таъсир кўрсатмагани ва ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги унинг оқибатларини муваффақиятли, ишончли бартараф этаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Бироқ жаҳон иқтисодиёти ривожланиш жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инқироздан чиқиш, иқтисодий

---

ва молиявий соғломлаштириш бўйича юзага келадётган ва кескин тус олаётган муаммолар, каерда пайдо бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатлар ҳамда минтақаларга ғоят катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслигимиз даркор.

Марказий Осиё минтақасида инқирозга карши ва инқироздан кейинги ривожланиш дастурларини амалга оширишга доир вазият ҳакида гап борар экан, бу борада ҳамон сақланиб қолаётган муаммоларни ҳал этиш учун, бизнингча, кўп жихатдан, нихоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала – коммуникацияларни ривожлантириш ҳакида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап ҳам трансчегаравий, ҳам ички давлат аҳамиятига молик автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти коммуникацияларини барпо этиш ва реконструкция килишга, ахборот-коммуникация алоқасига оид лойиҳалар ҳакида бормоқда.

Узок ўтмишда Шарқ билан Ғарбни боғлаган ва Марказий Осиё минтақасининг жуғрофий ва геосиёсий жойлашуви нечоғли муҳим эканини исботлаган Буюк Ипак йўли инсоният тарихида қандай чуқур из қолдирганини барчамиз яхши биламиз.

Биз яшаётган XXI глобаллашув ва буюк ўзгаришлар асли кун тартибига биринчи навбатда замонавий коммуникацияларни, логистика марказлари ва турли хабларни ривожлантириш масаласини қатъий қўймокда. Бинобарин, булар минтақавий ва жаҳон миқёсидаги интеграция ва

---

кооперация жараёнларининг муҳим таркибий бўғинларидир.

Айниқса, бизнинг улкан минтақамиз ҳудудида бундай коммуникация марказларини қуриш ва шакллантириш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай марказлардан ҳам Шарқ, ҳам Ғарбдаги етказиб берувчи ва харидор мамлакатлар компаниялари бирдай манфаатдордир.

Автомобиль ва темир йўлларни, улар билан боғлиқ юкларни ортиш-тушириш станциялари ва марказларини қуриш, буларнинг барчаси кўп меҳнат талаб қилишини ҳисобга олганда, маҳаллий аҳоли бандлиги ва даромадларининг катта манбаига айланиши, шу тариқа минтақада энг муҳим ва ҳал қилувчи масалалардан бири бўлган барқарорликни таъминлашда улкан аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу масалаларнинг комплекс тарзда ҳал этилиши минтақа тараққиёти ва ижтимоий-иктисодий барқарор ривожланишининг асосий воситаларидан бирига айланиши мумкинлиги ҳакида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бирок бу вазифаларни факат ҳалқаро молия институтлари ва ҳомий давлатларнинг жиддий молиявий қўллаб-қувватлаши билан амалга ошириш мумкин, айни пайтда ушбу масалалар жаҳон ҳамжамиятининг дикқат марказида бўлиши лозим.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## **БИЗ ҲАР ТОМОНЛАМА БАҒРИКЕНГ, КҮПНИ КҮРГАН, ҲАМДАРД ҲАЛҚМИЗ**

*(Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ  
мөхнаткашлари билан мулокот пайтида  
билирилган фикрлар)*

Бизга қўшни давлат – Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар ҳакида сизлар албатта хабардорсиз. Шунинг учун бу ҳақда кўп гапириш ортиқча деб ўйлайман.

Бундай қонли фожиа ҳакида эшитиш, кузатишнинг ўзи бир азоб. Қон тўкиш, бегуноҳ одамларни, мурғак гўдакларни, хомиладор аёлларни ўлдириш, ярадор қилиш – бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас. Ўзини инсон деб ҳисоблайдиган, инсоннинг ҳайвондан фаркини тушунадиган одам бундай қабиҳ ишларга ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўл урмайди.

Мен яқин кунларда бу қонли жиноятларнинг тагига етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонаман. Бу хунрезликни амалга оширганлар – булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими – барча жиноятчиларга жазо муқаррар.

Бизнинг ҳалқимизни кийнайдиган савол шуки, нима учун, қандай қилиб чегараларимиз яқинида –

---

Кирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида бундай ҳеч ақлга сиғмайдиган қонли фожия содир бўлди?

Бунинг сабаблари кўп ва бу ҳақда узок гапириш мумкин.

Энг ёмони, бундай фитнани, қон тўкишни давом эттиришни хоҳлайдиганлар ҳам атрофда «парвона» бўлиб юрганини, уларнинг сони қўплигини биз ҳеч қачон эсимиздан чикармаслигимиз керак.

Шунинг учун бугунги кунда ким бизга дўст, ким бизга душман эканини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб олишимиз лозим.

Мен илгари ҳам айтган эдим – биз ўз мақсадимизга эришишда фактат ўз кучимизга ишонишимиш зарур. Агарки, ўзимиз ҳаракат қиласақ, ҳеч ким четдан келиб бизга ёрдам бермайди. Қайси миллат, қайси давлатни бутун дунё тан олади? Ўзининг қадр-киммати, ғуур ва ифтихорини саклаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўrnак бўлишга қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, ҳалқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади.

Яна бир ҳакиқат шундан иборатки, ўз кучи ва келажагига ишонган ҳалқнинг бағри кенг бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек

---

халкининг илдизлари бакувват, тарихи буюк, келажаги мустахкамдир. Бизнинг бошқа халклардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда солда, бағрикенг – бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга тайёрмиз. Биз ҳар томонлама бағрикенг халқмиз, ҳамдард халқмиз, ҳамдардликка тайёр халқмиз.

Кирғизистондаги фожиа сабаблари ҳакида гапирганда, айнан ана шундай хусусият ва фазилатларимизга таяниб, бу вокеаларга оғир-вазминлик билан баҳо беришимиш керак. Агарда кимдир қонга – қон деб, қасос деб қадам қўядиган бўлса, шунга даъват қиласиган бўлса, мен бунга мутлако қўшилмайман. Нафакат қўшилмайман, балки уларни халқимизнинг душмани деб билишга тайёрман. Нега деганда, бундай ҳаракат ва даъватлар яна қон тўкилишига, одамларимизнинг, болаларимизнинг, фарзандларимизнинг нобуд бўлишига олиб келади. Ҳар бир ишнинг охирини ўйлаш керак.

Мана, атрофга бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, биз қандай ажойиб бир шароитда яшаяпмиз. Мен дунёнинг жуда кўп жойларида бўлганман, лекин Ўзбекистондагидек гўзал табиатни ҳеч қаерда кўрмаганман.

Ўзингиз айтинг, мана шундай ажойиб шароитни, мана шундай ажойиб иқлимини, шундай бетакрор юртни нимага алмаштириш мумкин? Ва нима

---

учун биз, кимларнингдир гапига кириб, харакатига қўшилиб, мана шундай тинчлик ва омонликни хавф остига қўйишимиз керак?

Мен ўйлайманки, биз ўз фидокорона меҳнатимиз, бунёдкорлигимизнинг қадрига етишимиз керак. Билиб қўйинглар, битта жойда бир ўқ отилса, битта бомба ёки снаряд тушса, тинчлик бузилса, кейин уни тўхтатиш қийин бўлади.

Иккинчидан, мана шундай гўзал юртдаги осо-йишта хаёт бир лахзада издан чиқиб кетиши мумкин.

Шундай экан, бундай таҳликали пайтда нима керак? Етти марта ўлчаб, бир марта кесиш керак. Мен Президент сифатида бутун халқимизни шунга даъват этаман. Нега деганда, мамлакат хаётига дахлдор қарорни Президент қабул қиласди. Лекин бундай ўта нозик ва мураккаб масалада мен халқимиз, жамоатчилигимиз фикрига суюниб, қарор қабул қилишим керак.

Айни пайтда менинг шахсий фикрим шуки, биз ҳеч қачон қасос олиш, кимнингдир чегарасини бузиш, кимнингдир уйини вайрон қилишга ёки ким биландир олишиб, уруш чиқаришга бормаслигимиз керак. Ва мен Президент эканман, бундай номаъқул сиёsatга йўл қўймайман.

Лекин, афсуски, Қирғизистон жанубида содир бўлган фожиали воқеалар муносабати билан нуфузли халкаро ташкилотлар, кудратли давлатлар

---

томонидан бу қирғинни тұхтатишга каратилған қарор ҳали-бери чиққани йўқ.

Хориждаги айрим чиқишлиарда бу воеаларнинг туб сабабини қидирмаслик керак, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Бу масала бўйича ким айбдор, нима учун бу воеа содир бўлди, деган савол камдан-кам берилмоқда. Уларнинг фикрича, бу фожия ўзбек ва қирғиз этник гурухлари ўртасидаги қарама-каршиликдан иборат эмиш.

Мен, бу икки миллат, икки этник гурух ўртасидаги қандайдир қарама-каршилик, деган фикрга мутлақо каршиман. Яна бир бор таъкидлаб айтмокчиман: бу фожиага қирғиз халқи ҳам, у ерда яшаётган ўзбек миллати ҳам сабабчи эмас. Бу – четдан туриб пухта уюштирилган ва бошқарилган акция, очик қилиб айтганда, қўпорувчилик ҳаракати. Бундай қўпорувчиликни уюштирган, ундан манфаатдор бўлган кучлар борлиги ҳам бизга маълум.

Буни уюштирган кучларнинг пинхона ҳаракати четдан туриб икки халқни бир-бирига қарама-карши қилиш, қон тўкишга олиб келиш, энг ёмони, бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам қўшиб қўйишдан иборат бўлган. Асосий максад-муддао – қандай қилиб бўлса-да, Ўзбекистонда яшаётган ўзбекларнинг жаҳлини чиқариб, шу мудхиш қирғинга тортишга каратилған. Ўзбекларнинг қизиққонлигидан фойдаланиб, уларнинг ғуур ва

---

ҳамиятига тегиб, кескинликни авж олдириш күзда тутилган.

Шуни инобатта олиб, мен барча-барча инсонларни яна бир марта оғир-вазмин бўлишга чакираман. Қизиқконлик бу масалада ҳеч қачон, ҳеч қаерда фойда бермаган. Шу нұктаи назардан қараганда, таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистон ҳеч қачон бундай можарога қўшилмайди, Қирғизистон халқи билан қонли урушга йўл қўймайди.

Биз буюк халқмиз. Бундай ўйинларга, қўпорувчилик ҳаракатларига жавобимиз битта – биз ўзимиз қирғизлар билан тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз етади.

Биз барчамиз «Бизларга тинчлик керак» деган иборага ўрганиб қолганмиз. Бунга кўпда эътибор ҳам бермаймиз.

Тўй-ҳашам ёки маърака-маросимларда бўладими, оила даврасида бўладими, кексаларимиз фотихага қўл очиб, аввало, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, омонлик бўлсин, баракамизни, келажагимизни берсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб ният қиласи.

Мен ҳам, фурсатдан фойдаланиб, халқимизни, бутун жамоатчилигимизни шунга чакираман.

Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салохиятимизга, ўз кучимизга суюниб яшаганмиз. Шу билан бир-

---

га, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга факат омонлик, тинчлик тилайман, осмонимиз мусафро бўлсин, деб Оллоҳдан сўрайман.

«Ойнинг ўн беши коронғи бўлса, ўн беши ёруғ», деган гап бежиз айтилмаган. Қандай оғир бўлмасин, хаёт давом этади, инсон доим яхши кунларга умид килиб, эртанги кунга ишониб яшайди.

Мен ишонаман – бу мусибатли кунлар оркада колади, барчамизнинг орзу-ниятимиз бўлган тинчлик-осойишталик албатта карор топади.

*2010 йил 18 июнь*

---

## **МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА**

**Қадрли дўстлар!**

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашиёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштариylарни бугунги кутлуғ айём – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимиy муборакбод этаман.

Журналист ахлининг мاشаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чукур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол – 1914 йили «Садои Фарғона» газетасининг ilk сонида чоп этилган «Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатлар-

---

нинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сайъ-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмок ва кенгашмок учун зарур бир воситадир» деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани, айникса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафакат истеъоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлигар ҳар кайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини каратиши, қиска қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истикболи учун, ҳаётимизда инсон хукук ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат карор топиши учун куйиб-ёниб яшashi ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб хис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мус-

---

тақиғлигини мустаҳкамлаш, унинг халкаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она-юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, ахолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараккиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало, Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишланини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиласиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳукукий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситала-

---

рининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айникса, нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро ракобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар рангбаранглигининг кучайиши, аҳолимизнинг дунёқарashi ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-куватлаш, уларга янги амалий туртки бериш максадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айни муддао бўлур эди.

Шу борада чукур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича

---

қараш ва қолиплардан озод бўлиб, конун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдигини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш – бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин – бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими – журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу кутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатингизни халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

**Хурматли ва азиз дўстлар!**

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завки сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азиз дехкон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини 7 миллион тоннага якин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз навбатдаги янги саҳифа очишга эришганингиз — мана шундай улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг кадрига етадиган, уни кўзига тўтиё килиб яшайдиган халқимиз бу бекиёс ютуқ қандай оғир ва машакқатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чукур англайди ва ризқ-рўзимиз бўлмиш бундай бебаҳо бойликни бизга насиб этгани, элюртимизнинг йўлини очиб бергани, ўзи мададкор бўлгани учун Яратганимизга шукроналар билдириб, заҳматкаш, фидойи дехконларимизга тасаннолар айтади.

Бир вактлар ўлкамиз ўз эҳтиёжини кондириш мақсадида кимгадир муҳтоҷ бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донни четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак,

---

бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.

Азизларим, барчангиз яхши биласиз, бундай марраларга етиш осон бўлгани йўқ.

Бунинг негизида, аввало, узокни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган давлат сиёсати, чукур ўйланган ислоҳотлар, шу йўлда энг муҳим ўрин ва ахамият касб этган фермерлик ҳаракатига ўтганимиз, унга кенг йўл ва имтиёзлар очиб берганимиз, ҳозирги вақтда юртимизда фермерлик, ҳақиқатан ҳам, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айни пайтда соҳага илмий асосланган, Ўзбекистоннинг иклими ва шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалалари мужассам бўлганини такрор-такрор айтиш ўринли деб биламан.

Шу борада ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ва ўз меҳнатидан манфатдорлик ҳиссиёти далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг қалбидан чукур жой олгани, шу асномда меҳнатчиларимизнинг дунёқараши ўзгариб, онгу тафаккури юксалиб, келажакка ишонч

---

туйғуси янада мустаҳкам бўлиб бораётганинг ўзи бугун кишлокларимизда юз берадиган туб ўзгаришларнинг якқол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда минтақамизда об-ҳаво ва иқлиминг ўзгариб бораётгани, хусусан, ўтган йили кузнинг нокулай келгани, баҳорда дўл, сел ва ёғингарчилик меъёридан кўп бўлгани, колаверса, турли заараркунандалар ва касалликлар бошокли экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто ғалла ўримга келган пайтда кучли шамол ва жала туфайли айрим далаларда бўлиқ майсаларнинг ётиб қолиши кўшимча ташвиш туғдирди. Мухтасар айтганда, мана шундай мураккаб ҳолатлар ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир марта жиддий имтиҳондан ўтказди.

Шуни ғуур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, ҳаёт синовларида тобланган, азму шиҷоатли дехконларимиз бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиб, барча қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Мамлакат бўйича ўтган йилга нисбатан 286 минг тонна кўп дон етиштирилгани, суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртacha 51 центнерни ташкил этгани, лалми ерлардан ҳам баракали ҳосил олингани бунинг амалий тасдиғидир.

Айникса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик да-

---

ражаси ўртача 53–58 центнерни ташкил этгани, Пахтаобод, Баликчи, Иштихон, Яккабоғ, Касби, Учқўргон, Ғиждувон, Пешку, Қуи Чирчик, Дўстлик туманларида бу кўрсаткич 55–67 центнердан юкори бўлгани фидойи ўзбек дехқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор намоён этди.

Энг муҳими, шартнома мажбуриятларига амал қилган ҳолда, етиштирилган ҳосилнинг 4 миллион 90 минг тоннаси, яъни қарийб 60 фоизи фермер хўжаликлари ва ахоли ихтиёрида колдирилгани дехқонларимизнинг омбори ғаллага, рўзғори қутбаракага тўлиб, уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг ёркин ифодасидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида мамлакатимиз таракқиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишларимизни янада кенг кўламда давом эттириш, юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олган дастур ва режаларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат килиши муқаррар.

Албатта, ҳали далаларимизда қиласиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли бажариб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишимииз керак.

---

Ишончим комилки, юртимиз дехконлари қишлиқ хўжалиги ишларини самарали давом эттириб, пахта, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришга ва бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлашга эришадилар.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз миришкор фермерларимизга, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган механизаторларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бугунги улкан ютукка муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга яна бир бор чин қалбимдан самими миннатдорлик изҳор этаман. Лафзи ҳалол, мард ва танти бободехконларимизга бутун ҳалқимиз номидан таъзим қиласман.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик хотиржамлик, файзу барака аrimасин!

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч качон кам бўлманг, азизларим!

*Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## МУНДАРИЖА

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ. 2009 йил 26 август .....	3
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ- НИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ. 2009 йил 31 август.....	8
ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига багишиланган тантанали мажлисдаги нутқ. 2009 йил I сентябрь .....	13
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА. 2009 йил 30 сентябрь .....	43
ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 51-МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 2009 йил 27 октябрь.....	51
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА. 2009 йил 31 октябрь .....	54

---

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — БИЗ УЧУН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРДИР. <i>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси</i> қабул қилинганинг 17 йилигига багишланган тантанати маросимидаги маъруза.	
<i>2009 йил 5 декабрь .....</i>	60
 <b>ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.</b> <i>2009 йил 31 декабрь .....</i>	97
 <b>ВАТАНГА ҚАСАМЁД, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАДХИЯСИ. 2010 йил 12 январь .....</b>	105
 <b>ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ.</b> <i>2010 йил 14 январь .....</i>	112
 <b>МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшима мажлисидаги маъруза. 2010 йил 27 январь .....</b>	121
 <b>АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚ- ҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтиёмий- иқтисодий ривожлантиришининг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.</b> <i>2010 йил 29 январь .....</i>	154

---

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. <i>2010 йил 6 март</i> .....	200
НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. <i>2010 йил 23 март</i> .....	207
 <b>«ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА.</b> <i>2010 йил 12 апрель</i> .....	211
 <b>РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК.</b> <i>Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиши маросимидаги нутқ. 2010 йил 3 май</i> .....	221
 <b>ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ, ХОТИРАСИ – МУКАДДАС.</b> <i>2010 йил 9 май</i> .....	238
 <b>«УНИВЕРСИАДА – 2010» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. <i>2010 йил 28 май</i> .....</b>	245
 <b>ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИ- РИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. <i>Тошкент шаҳри,</i> <i>2010 йил 11 июнь</i> .....</b>	250
 <b>БИЗ ҲАР ТОМОНЛАМА БАГРИКЕНГ, КЎПНИ КЎРГАН ҲАМДАРД ХАЛҚМИЗ. <i>Бухоро вилояти Вобкент</i></b>	

---

<i>тумани қишлоқ мәжнүаткашлари билан мұлқот пайтида Қирғизистон жаңуабыда содир этилған фөнсиати воқеалар ҳақида билдирилған фикрлар. 2010 йыл 18 июнь .....</i>	259
<b>МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТА- ЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. 2010 йыл 25 июнь .....</b>	266
<b>ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА. 2010 йыл 21 июль .....</b>	271

**Каримов, Ислом Абдуғаниевич.**

- К 23      Жаҳон инкиrozининг оқибатларини ёнгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараккий топган давлатлар даражасига қўтарилиш сари/И.А. Каримов.  
– Т.: Ўзбекистон, 2010.– Ж.18. 280 б.

ISBN 978-9943-01-577-7

**ББК 65.9(5Ў)+66.3(5Ў)**

*Ислам Абдуғаниевич Каримов*

**ПО ПУТИ ПРЕОДЛЕНИЯ  
ПОСЛЕДСТВИЙ МИРОВОГО КРИЗИСА,  
МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ И ДОСТИЖЕНИЯ УРОВНЯ  
РАЗВИТЫХ ГОСУДАРСТВ**

Т о м 18

*На узбекском языке*

Нашр учун масъул *С. Мирзааҳмедова*

Бадиий мухаррир *Ж. Адилов*

Техник мухаррир *У. Ким*


Мусаҳҳихлар *Г. Азизова, Н. Умарова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашр. лиц. АI № 158, 14.08.09. Босишига руҳсат этилди 11.08.2010.  
Коғоз формати 84×108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 14,7. Нашр т. 9,67. Тиражи 3000. Буюртма № 10-267.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон»  
нашиёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

ISBN 978-9943-01-577-7



9 789943 015777